O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 31 август, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 68 (7471)

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам халқ депутатлари!

Бир неча кундан сўнг мамлакатимиз, бутун халқимиз ўз мустақиллигининг ўн бир йиллигини катта тантана билан байрам қилади.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябридан тобора узоқлашиб борганимиз сари барчамизнинг тақдиримизда ҳал қилувчи аҳамият касб этган ана шу буюк тарихий сана билан боғлиқ баъзи воқеалар, уларнинг айрим тафсилотлари хотирамиздан кўтарилиши ҳам мумкин. Албатта, бу табиий ҳол ва ҳаммамиз буни тўғри тушунамиз.

Шу билан бирга, ҳеч шубҳа йўқки, мана шу улуғ сана билан бугунги кунимиз ўртасидаги масофа қанчалик узайса, босиб ўтган йўлимизни холисона ва атрофлича таҳлил қилиш, тегишли хулоса ва сабоқлар чиқаришнинг аҳамияти тобора кучайиб боради.

Албатта, мана шу ўтган даврга, шу вақт мобайнида амалга оширган ишларимизга бериладиган баҳо турлича бўлиши мумкин. Бу, аввало, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни ким қандай нуқтаи назардан таҳлил қилишига, эришган ютуқларимизни қандай кўз билан баҳолашига боғлиқ. Табиийки, бундай ёндашув ва хулосаларга қўшилиш ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин.

Лекин, ишончим комилки, бир масалада, яъни биз бундан ўн бир йил муқаддам қабул қилган тарихий қарор, танлаган йўлимиз тўғрилиги бўйича аксарият кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиши шубҳасиз.

Биз тарихимизнинг ўша туб бурилиш нуқтасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни танладик. Яъни, мустабид тузум, ўта мафкуралашган, миллий ўзлигимизни топтаган эски тизимдан воз кечиб, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очиқ демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, мамлакатимизга, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшигини очадиган ҳаётга қадам қўйдик.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунардикки, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш осон эмас эди ва бу ҳақиқатни йиллар ўтгани сари тобора кўпроқ ва аниқ англамоқдамиз.

Энг муҳими, бугун ана шу мақсад-муддаоларга — мустақил давлат, эркин жамият ва фаровон ҳаёт қуриш, содда қилиб айтганда, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш учун интилиш кенг жамоатчилигимиз, халқимизнинг онгу тафаккури, амалий ҳаракатларида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда.

(Давоми 2-3-бетларда)



Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ҳақида АХБОРОТ

29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, чет эл ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессия ишини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни ташкил қилди ва кун тартибини тасдиқлади.

Депутат С.Худоёровни хотирлаб, депутатлар бир дақиқа сукут сақлашди.

Сессия кун тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бошланди. Депутатлар бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Т.Камаловни ушбу вазифадан озод этди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига биноан, М.Ерниязовни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақил ривожланиши асосий босқичларини атрофлича таҳлил этди, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ва тамойилларини белгилаб берди. Президент Ўзбекистон Республикаси суверенитети, сиёсий институтлар ва нодавлат жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, Қуролли Кучларни давр талабига мувофиқ ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратди (Маъруза матни матбуотда чоп этилмоқда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасини муҳокама этишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Қўқон шаҳридаги тиббиёт билим юрти директори З.Охунова, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚИТУВЧИ НОНИНИНГ ТОТЛИ ТАЪМИ — 7-бет

ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ НИМА БЕРДИ? — 8-9-betlar

БАҲСЛАР БИЛАН ЎТГАН КЕНГАШЛАР — 10-бет

ЧЎЛПОН ИЖОДИДА МАОРИФ МАВЗУИ — 11-бет

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТ — 13-бет

Биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки, аввало, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашга эришмоғимиз керак.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айни пайтда, минг афсус билан шуни ҳам таъкидлашга мажбурмизки, бугун собиқ иттифоқ ҳудудида, айрим қўшни давлатларда баъзи бир ғалати ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Яъни, ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни соғиниб-қўмсаб гапираётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари — эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Улар, бир қарашда, қулай келган пайтда ўзларини мустақиллик учун курашган ва эски тизимдан жабр-зиён кўрган шахслар сифатида кўрсатади, шу билан бирга, кези келганда кимгадир яхши кўриниш ва сохта обрў топиш мақсадида ўзини СССРни сақлаб қолиш учун охиригача курашганлар сафига қўшишга уринади.

Бир сўз билан айтганда, СССРнинг сояси собиқ иттифоқ минтақасидан ҳали-бери бутунлай кўтарилган эмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, ҳамиша сергак ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Шу сабабли, биз ўз мустақиллигимизни қандай қийинчиликлар билан, қандай синов ва суронли курашлар билан қўлга киритганимизни бугун яна бир бор эслашимиз ўринли, деб биламан.

Яъни, ҳали-бери хотирамиздан кўтарилмаган ўша таҳликали кунларни ёдга олар эканмиз, шу залда ўтирган одамлар, умуман кўпчилик замондошларимиз гувоҳи бўлган воқеаларни, бизга ҳасад билан қарайдиган ташқи ва ички душманларимизнинг юртимизда ҳукмронлик қилиш, ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун қандай ўта хавфли хуружлар қилганини эсласак, ортиқча бўлмайди.

Шундай қабиҳ ният билан 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган, ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайдиган даҳшатли фожиалар; 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўш ва Ўзган воқеалари; 1991 йилнинг 8 декабрида Намангандаги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари; 1991 йил октябрь ойида собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан ташкил қилинган, Олий Совет 7-сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар; 1992 йилнинг 16 январида Талабалар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлғон даъват ва чақириқлар билан йўлдан оғдириб, уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар, авваламбор, ўзбек халқининг ҳамжиҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба бериш, томирига болта уришга қаратилганини бугун барчамиз яхши англаймиз.

1999 йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ёвуз террорчи кучлар томонидан содир этилган портлашлар натижасида қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмгани ва ярадор бўлгани ҳам халқимиз хотирасидан асло ўчмайди.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон ҳудудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз — ҳаётга эндигина қадам қўяётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламга тўлдирганини, Ўзбекистоннинг озодлиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хуруж ва ҳаракатларни бошимиздан кечирганимизни ҳам биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур.

Бундай қора ниятларни амалга оширишга уринган тўдалар ва ҳаракатлар ортида қандай қабиҳ сиёсий кучлар ҳамда экстремистик марказлар тургани, улар бу мақсадлар учун катта маблағлар ажратгани, махсус қўпорувчилик ва террорчилик лагерларида жангариларни тайёрлагани бугун барчамизга аён бўлиши муқаррар.

Биз яхши тушунамиз — бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳ ва нопок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда шиор бўлиб қолган **"Ўз уйингни ўзинг асра!"** ва **"Тинчлик учун курашмоқ керак"** деган ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак.

Шуни катта мамнуният билан таъкидлашимиз зарурки, жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга — бу жирканч бало-қазога қарши эълон қилган курашда давлатимиз ва жамиятимиз ҳам қатъий бел боғлаганини дунё майдонида бугун кўпчилик тан олмоқда ва Ўзбекистонимизга ҳурмат-эътибор билан қарамоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Мен Ватанимиз ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки йилларга хаёлан яна қайтиб, шуни айтмоқчиманки, биз янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун илк қадамларни қўйган ўша даврда, аввало, **иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларимизнинг асоси бўлган, дунёда ўзбек модели деб ном олган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилини ишлаб чиқдик.** Ва мавжуд мураккаб шароитга ҳар томонлама мос келадиган, ривожланишимиз учун энг мақбул бўлган бу йўлни халқимиз, жамоатчилигимиз эътироф этди ва қўллаб-қувватлади.

Маълумки, бизга эски тузумдан бир томонлама ривожланган, ночор ва заиф иқтисодиёт мерос қолган эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги мураккаб иқтисодий ҳолат, собиқ шўро тизимида Ўзбекистонга асосан арзон хомашё минтақаси сифатида жой ажратиб, биринчи навбатда, унинг бўйнига пахта, олтин, қимматбаҳо ва стратегик материаллар етказиб бериш юклатилгани, айни вақтда, аҳоли учун зарур бўлган асосий истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ғалла ва дон, гўшт ва сутнинг аксарият қисми республика ташқарисидан келтирилишининг оқибати эди.

Ўз заминимизда бой заҳиралари мавжуд бўлган ёнилғи ва нефть маҳсулотлари четдан ташиб келтирилгани ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Мана шундай оғир вазиятда бизнинг иқтисодиёт масаласида дейсизми, сиёсий-ижтимоий барқарорликни сақлаш ёки аҳолининг таъминотини йўлга қўйиш масаласида дейсизми — олдимизда турган жуда кўп, бир-биридан чигал, бир-биридан долзарб муаммоларни зудлик билан ҳал этишимизга тўғри келар эди.

Одамларимиз учун муқаддас бўлган маънавий ва диний қадриятларни тиклаш, кўп асрлик олижаноб урф-одатларимиз ва анъаналаримизга таяниб иш кўрганимиз қаддимизни ростлаш имконини берди, мамлакатимизни парокандалик ва бошбошдоқлик, халқимиз табиатига ёт бўлган экстремизм ва ақидапарастлик ботқоғига ботиб кетиш хавфидан сақлаб қолди.

Биз истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, **одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб бордик.** Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг тафаккурини ўзгартиришда, ислоҳотларни жорий этишда янгича ёндашувларни шакллантириш, жамиятимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялар ўртасида муроса муҳитини мустаҳкамлашда сезиларли таъсир кўрсатди.

Иқтисодиёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилган ҳолда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик.

Бугун шуни ишонч билан айта оламизки, нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки жамиятимизни сиёсий ва маънавий жиҳатдан янгилаш борасида ҳам биз танлаган тараққиёт модели ва асосий ривожланиш тамойиллари ҳаётда ўзини тўла оқламоқда. Шундай деб айтишга бизнинг барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларнинг айримлари — хусусан, қонун устуворлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат каби тамо-йиллар мамлакатимизни ривожлантиришнинг кейинги даврларида ҳам биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда муҳим ҳаётий аҳамият касб этади ва ўз қимматини йўқотмайди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳурматли депутатлар!

Айни пайтда, шуни айтишимиз зарурки, юртимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб боргани сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора кўпроқ сезилмоқда. Шу боис ҳам, биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг 14-сессиясида ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 2000 йилги 1-сессиясида **сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган стратегик дастур қабул қилинди.**

Шундан буён ўтган вақт мобайнида ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларининг қонуний асосини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бу муҳим соҳаларида муносабатларни тартибга солувчи бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва кўпгина қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилди; Жиноят, Жиноят-процессуал ва бошқа кодекслар қайтадан кўриб чиқилди.

Шу жумладан, прокуратура тизими устидан ижтимоий назоратни кучайтириш, унинг айрим ҳуқуқларини чегаралаш ва қисқартириш, бу ҳуқуқларнинг кўпини суд идораларига бериш масалаларига аниқлик киритилди.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва бу борада амалий қадамлар қўйилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, нафақат қонунчилик соҳасида, балки қонунларни амалиётда қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан, судлар тўғрисида, прокуратура тўғрисида, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан қатор кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши одил судлов сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришни таъминламоқда.

Бу чора-тадбирлар судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда, бу жараённинг истисносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳақиқий тенглиги ва ўзаро тортиша олиши учун шароит яратиши, айниқса, иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли тарзда енгиллатиш имкониятини амалда таъминлаши лозим.

Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақиллигини, уларнинг фақат қонунга бўйсунишини кучайтириш борасида моҳият-эътиборига кўра мутлақо янги қадам қўйилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бу ўзгаришларни амалга оширишдан асосий мақсад шуки, **биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки, аввало, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига эришмоғимиз керак.**

Бугун биз тарихимизнинг ана шу ўтган даврига якун ясар эканмиз, ташқи сиёсат соҳасида эришган ютуқларимизни қайд этмасдан, ҳозирги кунда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг юксак эътироф ва обрў-эътибор қозонаётгани ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади, керак бўлса, ўзининг мустақил овозига эга бўлди, десак, бу ҳам ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Биз шуни унутмаслигимиз керакки, бундай эътироф, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ортиб бораётган нуфузи — бу, авваламбор, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўтказиб келинаётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, оғир-вазмин, қатъий ва мустақил ташқи сиёсатнинг натижасидир. Айтиш керакки, бу Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатимиз олға сурган барча маълум ташаббуслар, қилинган катта амалий ишларнинг самарасигина бўлиб қолмасдан, айни пайтда мамлакатимизда демократик тамойиллар ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлаётган жиддий ижобий ўзгаришларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши ҳамдир.

Шу маънода, жорий йилнинг январь ойида ўтказилган умумхалқ референдуми Ватанимиз сиёсий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлганини таъкидлаш даркор. Референдумнинг ўтказилиши ва унинг якунлари давлатчилигимиз ривожида, жамиятни демократик янгилаш жараёнида муҳим босқич бўлди. Энг асосийси, референдум натижалари мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг жамоатчилигимиз, аҳолимиз томонидан қанчалик қўллаб-қувватланаётганини амалда яққол тасдиқлади.

Буларнинг барчаси демократик ва ҳуқуқий давлат, фаровон ҳаёт барпо этишдек ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсад ва марраларга етиш йўлида юртимизда амалга оширилаётган катта ўзгаришларнинг аниқ ва ёрқин кўринишидир.

Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, бугун **Ўзбекистонда ислоҳотлар муқаррар тус олди. Энди уларни ортга қайтариб бўлмайди.** Энг асосийси ва энг муҳими, юртимизда яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, ўз атрофида юз бераётган барча воқеаларга бўлган муносабати ўзгармоқда.

Авваламбор, кишиларнинг онгини, ҳаёт тарзини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар бутунлай янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Мулкдор ва тадбиркорларнинг, кичик ва ўрта бизнес эгаларининг нуфузи ва таъсири кун сайин ортиб бормоқда.

Биз ўрта синф деб атайдиган бу ижтимоий қатлам тимсолида, моҳият-эътиборига кўра, мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки сиёсий барқарорликни таъминлаш, юртимизнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида асосий таянч бўладиган янги мулкдорлар синфи шакланмоқда.

Қадрли ватандошлар!

Ҳаммамиз биламизки, ҳаёт бамисоли оқар дарё, у ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Бугун барчамиз атрофдаги вазият қандай тус олаётгани, кўпгина қадриятлар янгиланаётгани, нафақат минтақамиз, балки бутун дунё миқёсида ҳаётнинг ўзи ҳам қандай тез суръатлар билан ўзгараётганини кузатиб бормоқдамиз.

XXI аср — шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурс-лар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр.

Минг афсуски, айни вақтда ҳозирги замоннинг энг хатарли аломати бўлиб жаҳон майдонига чиқаётган халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес каби хавфсизликка янги таҳдидлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Бугунги кунда бундай хавф-хатарларнинг қай тарзда ва қандай асосда пайдо бўлаётганини, улар нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун инсоният учун нечоғли муд-ҳиш бало-қазо эканини биз аниқ тасаввур қиламиз ва уларнинг қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Буларнинг барчаси оддий бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди. Яъни, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интиладиган ҳар қайси давлат бу масалада ўзининг замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, пухта ўйланган, аниқ-равшан фаолият дастурига эга бўлиши зарур.

Содда қилиб айтганда, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бу — ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Биз сизлар билан тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга етиб бориш учун Америка, Европа ва Осиёдаги энг ривожланган давлатлар эришган андоза ва меъёрларга чиқишимиз зарурлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Албатта, биз бу йўлда бирмунча салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо барчамиз учун аён бўлиши керакки, биз эришган натижа ва марралар олдимизга қўйган буюк мақсадларга етиш йўлида маълум бир бўғин ва босқични ташкил қилади, холос.

Бизнинг бугунги кундаги муҳим вазифамиз — ўтган давр мобайнида эришилган натижаларни яна бир бор танқидий ва холисона баҳолаш ва амалий хулосалар чиқариш.

Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишдир.

Мана шундай мақсадларни ўзида мужассам этган дастурнинг негизини нималар ташкил қилиши керак ва аввало, қандай вазифалар биз учун устувор бўлмоғи лозим?

Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат — мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади.

Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.

Мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир.

Айни вақтда мустақиллик биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини сўзсиз юклайди.

Бу — узоқ-яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида яшаш, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доим интилиш ва курашиш демакдир.

Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг мезони, деб билишимиз керак.

Иккинчи устувор йўналиш. Бу — мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Чунки бу мезонлар ҳар доим ривожланиш ва тараққиётнинг асосий шарти бўлиб келган. Шунинг учун ҳам экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига, халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имкониятларимизни ва куч-қудратимизни сафарбар қилиш бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва динлараро тотувликни, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ягона хонадонимиз бўлмиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати ва дини, ирқи ва жинсига қарамасдан, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш — бу борадаги ишларимизнинг асосий маъно-мазмунига айланиши даркор.

Айни пайтда шуни унутмаслигимиз керакки, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга, ички хавфсизлик муаммоларига ҳам ғоят жиддий эътибор қаратмоғимиз шарт. Бу жараёнда ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатлардан халос бўлиш, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кўринишларига қарши курашиш ва, албатта, жамиятни эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш айниқса зарур.

Учинчи устувор йўналиш. Бу — бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат.

Бу йўналиш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Бу борада ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш, миллий валютамиз — сўмимизнинг барқарорлиги ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тараққиётимизнинг янги босқичидаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, экспорт ривожи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармояларни жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш бу борада, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, ташқи ва ички инвестицияларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта заҳираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтириш масаласи ҳам доимий диққат марказимизда туриши лозим.

Бундай вазифаларни амалга оширишда халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш, дунё иқтисодий тизимига интеграциялашув, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳам энг муҳим ишларимиз қаторида туради.

Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги тўртинчи ва ўйлайманки, энг муҳим устувор йўналиш — бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказила-ётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамо-йилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур.

Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йўналишда кўп иш қилинмоқда, лекин уларни ҳали олдимизда турган, қилиниши лозим бўлган ишлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Бу тўғрида гапирганда, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бўлган баъзи бир масалалар ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан. Шуни очиқ айтишимиз керакки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима қилмаслик ҳақида юқоридан кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади.

Ўйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак.

Шуни айтиш зарурки, бугунги кунда мамлакатимизда ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ва чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чуқур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим: матбуот эркинлигининг кафолати — ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдида иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу — жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир.

Ўйлайманки, "Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш вақти етди.

Бу қонун, бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қилган бўлур эди.

Шунингдек, "Телерадио фаолияти тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тубдан мустаҳкамлайди, деб ўйлайман.

Сизларга маълумки, жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри — фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим.

Яна бир ўта муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ.

Бу масалани ечишда биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар — буни тан олиб айтишимиз керак — ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим.

Ишончим комилки, Олий Мажлисимизни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради. Ўйлайманки, сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.

Ёки бошқача қилиб айтганда, бу — **"Кучли давлатдан кучли жамият сари"** деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир.

Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади.

Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимининг роли нимадан иборат бўлади?

Бу масалада давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун **зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар** яратишга қаратилмоғи даркор.

Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз **"Адолат — қонун устуворлигида"** деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Мен шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикримни такрорламоқчиман. Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир.

Аслини олганда, биз аллақачон шу йўлдан бормоқдамиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ каттагина қисми ҳудудлар томонидан назорат қилинмоқда.

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, самарали усул-услублар ва шаклларга эга бўлиб бориши зарур.

Айнан мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим.

Бу масалада фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан "Жамоат бирлашмалари тўғрисида" қонунга зарур ўзгартишлар киритиш, "Ижтимоий жамғармалар тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида", "Хайрия фаолияти тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми4-5-бетларда)

Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрин ва эътибор топа олсин.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

ЯНГИ ИНШООТЛАРГА ТАШРИФ

27 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимизда фойдаланишга топшрилган иншоотларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Фарҳод, Усмон Носир, Гавҳар, Ҳамза Умаров кўчалари туташган чорраҳа — Жанубий вокзал рўпарасида бунёд этилган улкан кўприкни бориб кўрди.

Шу куни Юртбошимиз Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бунёд этилган қатағон қурбонлари хотираси музейини ҳамда "Қалқон" бригадасининг янги ҳарбий шаҳарчасини кўздан кечирди.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан "давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан "ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони чиқди.

МАКТУБ МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Нью-Йорк шаҳри Мэри Майкл Блумбергдан 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларининг бир йиллигига бағишланган маросимларда иштирок этиш таклифи баён этилган мактуб келди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Нью-Йорк Мэри Майкл Блумбергга йўллаган миннатдорчилик мактуби матбуотда эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ

(Давоми. Боши 1-2-3-бетларда)

Олтинчи устувор йўналиш бу — суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат. **Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур.** Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. **Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар.**

Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Бу тамойиллар Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган, аммо, яширишнинг ҳожати йўқ, улар амалда ҳозирча ўзининг тўлиқ ижросини топмоқда, дея олмаймиз. Бунинг муҳим сабабларидан бири суд ҳокимиятининг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда юридик-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратишни талаб этади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб ва ёритиб борилиши зарурлиги ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим.

Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу вазифаларни амалда таъминлашда даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Еттинчи устувор вазифа — бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.

Бу — демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир.

Ўйлайманки, ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқа қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бу борада бир нарсани ҳеч қачон хаёлимиздан чиқармаслигимиз керак. Юртимиздаги ҳар қайси вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизда шу соҳага атрофлича эътибор берар эканмиз — ҳеч шубҳасиз, аҳолимизнинг, халқимизнинг бунга жавобан миннатдорлигига ва сиёсатимизни қўллаб-қувватлашига эришган бўламиз.

Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида **маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат** каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Мана шу уч буюк қадриятни халқимиз асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган. **Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам** бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган.

Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади.

Шу боис ҳам буюк аждодимиз Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридаги билим ва фан, ахлоқ ва маърифат соҳасида юксак даражага кўтарилган жамиятгина ижтимоий тараққиётда самарали натижаларга эриша олиши мумкин, деган фикрида жуда катта маъно бор.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган муҳим тамойил ва устувор йўналишларнинг барчаси, кўриб турганингиздек, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ жамият ва давлат қурилишида, уларни янгилаш ҳамда такомиллаштириш борасида бос-қичма-босқич амалга ошириб келаётган изчил сиёсатимизнинг аниқ-равшан ва мантиқий давомидир.

Бошқача айтганда, улар ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётимизнинг, бутун дунёда эътироф этилган ўзбек моделининг амалий намоёнидир.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларни бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда хавфсизликка солинаётган таҳдид ва хуружларга нисбатан бизнинг жавобимиз, деб қабул қилмоқ керак. Чунки биз ана шу устувор йўналишларни изчил амалга ошириш натижасида ўзимизнинг асосий мақсадимизга — ривожланган, маърифий, ҳуқуқий демократик давлатларда мавжуд бўлган ҳаёт даражасига эриша оламиз, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш имконига эга бўламиз.

Ҳурматли депутатлар!

Сизлар мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлардан, ўйлайманки, хабардорсиз. Мен бугун, сизларнинг ижозатингиз билан, мана шу жараёнга доир масалалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қуроласлаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш — Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Мана шундай тамоман янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси бир неча йилдан буён бизнинг диққат марказимизда турганини ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Профессионал Қуролли Кучлар деганда биз нимани тушунамиз?

Бундан мақсад шартнома-контракт асосидаги ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, ҳақиқатан ҳам оғир ва шарафли касб эгаси бўламан, деб интиладиган фуқаролардан ташкил топадиган армияни барпо этишдир.

Содда қилиб айтганда, халқ хўжалигида ҳар қандай мутахассис, мисол учун, қишлоқ хўжалигида агроном бўладими ёки саноатда муҳандис-инженер, қурилиш соҳасида қурувчи бўладими, ўз қобилияти ва салоҳиятини қандай намоён этса, профессионал армияда хизмат қиладиган ҳарбийлар ҳам ўз касб маҳорати ва билимини амалда шундай қўллаш имконига эга бўлсин.

Ҳеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуни очиқ айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади.

Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрин ва эътибор топа олсин.

Ҳарбий хизматнинг қанчалик қийин ва масъулиятли, айни пайтда давлат ва жамият учун нечоғли зарур эканини ҳисобга олган ҳолда, бу хизмат учун тўланадиган ҳақ ҳам, рағбату ҳурмат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Бизнинг ҳарбий қурилиш соҳасида олиб бораётган давлат сиёсатимизнинг асосий мазмун-моҳиятини ҳам ана шунда кўришимиз зарур.

Биз, энг ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, шартнома-контракт асосидаги, яъни ҳар бир ҳарбий хизматчи ва давлат ўртасида шартнома тузиладиган армияни вужудга келтиришимиз керак. Бу шартномада, бир томондан, хизматни ўташнинг барча талаблари, меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳарбий соҳа кишиларининг хизмат поғоналари бўйича ўсиш истиқболлари, уларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ва бошқа шартлар, иккинчи томондан эса, унвони ёки лавозимидан қатъи назар, ҳар бир ҳарбий хизматчининг мамлакат олдида ўз зиммасига оладиган мажбуриятлари аниқ белгиланган ва мустаҳкамлаб қўйилган бўлиши керак.

Ҳурматли депутатлар!

Маълум сабабларга кўра, мен бугун ушбу минбардан туриб, Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш жараёнида қилинаётган ва бундан кейин амалга ошириладиган вазифаларнинг барча жиҳатлари хусусида батафсил гапира олмаслигим табиий.

Шунга қарамай, бизнинг Мудофаа доктринамизга мувофиқ, Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмаларини, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг махсус қисмларини, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш бўйича сўнгги уч-тўрт йил мобайнида кўлами ва аҳамияти нуқтаи назаридан улкан ишлар қилинганини таъкидлаб ўтиш зарур.

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш борасидаги тадбирлар мамлакат хавфсизлигига таҳдид солаётган хавф-хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида, амалга оширилиши мумкин бўлган жанговар операцияларнинг таркиби ва йўналиши, хусусияти ва мазмунини, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоқда.

Қуролли Кучларимизда ислоҳотларни олиб бориш мақсадида ривожланган демократик давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси синчиклаб ўрганилмоқда. Мудофаа ҳамда ҳарбий қурилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ички ишлар вазирлиги ва умуман, Қуролли Кучларга алоқаси бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг мақсад-вазифалари қайтадан кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш борасидаги қарорларни ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган мутлақо янги тизим, ягона қўмондонлик органи — Қуролли Кучларнинг бирлашган штаби тузилди.

Сизларга маълумки, мана, икки йилдан буён Ўзбекистон Мудофаа вазирлигини ҳарбий бўлмаган шахс бошқариб келмоқда. Бу ва шу йўналишда амалга оширилаётган бошқа тадбирлар Қуролли Кучлар ва куч ишлатишга қодир бўлган тузилмалар устидан фуқаролик назорати ўрнатиш мақсадида ўтказилмоқда.

Барча турдаги қўшин ва тузилмаларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва самарали бошқаруви йўлга қўйилмоқда, мамлакат хавфсизлигини ҳарбий жиҳатдан таъминлашнинг уюшган яхлит тизими такомиллаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, моддий ва молиявий ресурсларни сезиларли миқдорда тежаган ҳолда, давлатнинг мудофаа қобилиятини зарур даражада таъминлаш имконини бермоқда.

Замонавий уруш амалиётларида эҳтимоли бор жанговар ҳаракатларни, уларнинг йўналишлари ва мазмун-моҳиятини, шу билан бирга, ҳудудларимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, хавфсизлигимиз ва мамлакатимиз яхлитлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида асосий ҳарбий-маъмурий бирликлар шаклидаги ҳарбий округлар тузилганини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Бугунги кунда Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг замон талаб қиладиган тамойилларга асосланган батамом янги тизими жорий этилмоқда. Аввало, қуйи ҳарбий бўлинмаларнинг ташкилий-штат таркиби, уларнинг қуролланиши, низом талаблари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда вазифалари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Юқори поғоналарда эса ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида бўлинмалар ва махсус операциялар ўтказувчи қисмлар шакллантирилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг бутунлай янги шакллари — сержантлар мактаби, тайёрлов марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бу марказларда ўқув жараёнлари компьютер технологияларини қўллаш, моделлаштириш ва симуляция каби турли ҳарбий машқ амалиётларини ўз ичига олган ҳолда таълимнинг замонавий услубларига асосланиб, янгича ўтказилмоқда.

Пировард натижада биз бугунги кунда Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг ўзимизга хос моделини яратдик ва уни ҳаётга жорий этмоқдамиз, десак, тўғри бўлади. Шу асосда Қуролли Кучларимизнинг давлат қурилиши тизимидаги роли, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бу соҳада олиб борилаётган катта ишларимизнинг натижаси сифатида одамларнинг, аҳолимизнинг Қуролли Кучларимизга бўлган муносабати ҳам сезиларли даражада ўзгармоқда. Жамоатчилик тафаккурида армиямиз борган сари халқимизнинг узвий бир қисми, миллий давлатчилигимиз ва мустақиллигимизнинг энг асосий бўғинларидан бири сифатида, барчамизнинг ғурур-ифтихоримиз манбаи сифатида намоён бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Биз яхши тушунамиз, Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва сифат жиҳатидан янги армияни шакллантириш — бу бир кун ёки бир ойда ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Буни исбот қилиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Мазкур масала ҳам давлат тизимини ривожлантириш ва янгилаш каби узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу вазифа бизнинг олдимизга янги-янги муаммоларни қўймоқда. Мен бу борада кечиктирмай ечиш керак бўлган айрим масалалар ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, шартнома асосидаги ҳарбий хизматни ташкил этиш билан боғлиқ равишда бизнинг олдимизда кескин саволлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, шартнома-контракт асосида хизмат қилишга кимлар олинади? Жавоби аён — улар муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, шу шароитда чиниққан, таъбир жоиз бўлса, порох ҳидини сезган йигитлар орасидан танлаб олинади.

Ҳақиқатан ҳам, контракт асосига қуриладиган ҳар қандай профессионал армияда ҳарбий тайёргарликка эга бўлган шахс, ҳарбий мутахассислар билан битим тузилади. Қисқаси, ҳар қандай профессионал армиянинг ўзагини ҳарбий тайёргарликдан ўтган кишилар ташкил этади.

Бугунги кунда милицияга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига одатда армия мактабини ўтаган ёшлар қабул қилинишини ҳам ҳисобга олсак, ҳарбий малакага эга бўлган кишиларга эҳтиёж нечоғли катта экани маълум бўлади. Шу билан бирга, сарҳадларимиз ва минтақамизда кутилмаган вазиятлар юзага келиши ва кескинлашуви мумкинлигини инобатга олиб, бундай ҳолатларга шай туриш учун муайян заҳирага эга бўлиш асло ортиқчалик қилмайди.

Шу ўринда эътиборингизни бу борадаги **иккинчи муҳим масалага** қаратмоқчиман. Барчангизга яхши маълумки, фуқаролар йилига икки марта муддатли ҳарбий хизматга чақирилади. Бироқ армия ёшидаги, яъни соғлиғи ва бошқа жиҳатларига кўра муддатли ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар сони хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йигитларимиз сонидан анча кўп, ҳатто айтиш мумкинки, 3-4 баробар ортиқдир.

Бу ҳол, ҳеч кимга сир эмаски, субъективизм учун қулай имконият туғдиради, аниқроғи, ўзбошимчалик, турли қонунбузарлик иллатларининг юзага чиқиши учун шароит яратади.

Лўнда қилиб айтганда, бугун шундай вазият юзага келганки, туман мудофаа ишлари бўлими раҳбарлари ва чақирув комиссиялари кимни хизматга чақиришни, кимга эса чақирув муддатини узайтириб бериш ёки уни умуман чақирувдан четда қолдириш, баъзида эса муайян манфаатдорлик эвазига армиядан бутунлай озод қилиш масаласини ўзларича ҳал этмоқда.

Яқинда жойларда ўтказилган махсус текширув натижалари шуни кўрсатдики, амалдаги мукобил хизматни ташкил қилиш ва уни ўташ масаласида жуда кўп қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

Масалан, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 2002 йилнинг баҳорида чақирилган ёшларнинг қарийб учдан бир қисми аслида мутлақо соғлом бўлгани ҳолда, ҳарбий хизматга қисман яроқли деб топилган ва асоссиз равишда муқобил хизматга йўлланган. Ваҳоланки, уларнинг соппа-соғ экани аввалроқ чақирилувчиларни дастлабки рўйхатга олиш комиссияси томонидан тасдиқланган.

Афсуски, армияга чақирилаётган айрим фуқаролар томонидан муқобил хизмат ҳуқуқини берувчи қалбаки, сохта ҳужжатларни тақдим қилиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Муқобил хизматни ўтаётганлар тегишли корхона ва ташкилотларда ишламасдан, шунчаки номига рўйхатда туриши, Мудофаа вазирлигининг муқобил хизмат бўлимларига сохта маълумотномалар тақдим этаётгани тўғрисида жуда кўп далиллар мавжуд.

Бундай ҳолат биздан муқобил хизмат тизимини тубдан қайта кўриб чиқишни, ҳарбий хизматга чақирув пайтида рўй бераётган бундай хунук ҳолатларга, бундай бемаза ишларга бутунлай чек қўйиш учун кескин чоралар кўришимизни талаб этади. Шу мақсадда 1992 йили қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ҳамда "Муқобил хизмат тўғрисида"ги қонунларни мутлақо қайтадан кўриб чиқиш лозим. Армияга чақирувнинг шундай тизим ва усул-услубларини шакллантириш керакки, улар биринчи галда ҳар қандай қонунбузарликнинг олдини олишга хизмат қилсин.

Чақирув ва ҳарбий хизматни ўташ тизимини ўзгартириш заруратини тараққий топган давлатларнинг тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Ўйлайманки, бу тажрибани диққат билан ўрганиб чиқиш, унинг энг яхши, илғор ва ўзимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугун эса мана шу юксак минбардан туриб, сизларнинг эътиборингизни Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим масалаларидан бирига қаратмоқчиман ва барчамизни ўйлантирадиган саволларни ўртага қўймоқчиман.

Қани, айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча, унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади?

Албатта, бу оғир саволларга жавоб топиш осон эмас ва бунинг устида барчамиз бош қотиришимиз зарур. Мен бугун фурсатдан фойдаланиб, бу муаммоларнинг ечими тариқасида бир таклифни ўртага қўймоқчиман. Яъни, болаларимиз, фарзандларимизнинг Қуролли Кучларда хизмат ўташ муддатини 18 ойдан 12 ойга, лўнда қилиб айтганда, бир йилгача қисқартиришни таклиф қиламан.

Ушбу таклиф негизида қандай муҳим далиллар мавжудлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи далил. Илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёш йигитнинг тўлақонли билим олиши — қишки, ёзги, кузги ҳарбий тайёргарликдан ўтиши, энг замонавий қуролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши учун — 12 ой кифоя қилади. Энг муҳими, у армияда керакли ҳарбий билим олади, ҳар томонлама пишиб, чиниқади. Бир йиллик муддатнинг етарли эканини армиядаги хизмат даври 12 ойдан ошмайдиган Германия, Дания, Испания, Польша, Австрия каби мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Иккинчи далил. Агар биз ҳарбий хизматнинг иссиқ-совуғини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар ҳолда, 12 ой — 18 ой дегани эмас. Айтайлик, ота-она учун ўғлининг армиядан бир ярим йилда қайтгани қандай-у, бир йилда қайтгани қандай. Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитда ёш йигитлар ўз хоҳиши билан, айтиш мумкин, кўпроқ катта ҳавас ва иштиёқ билан армияга интилади. Бу жуда муҳим омилдир.

Учинчи далил. Ҳарбий хизматнинг янги, анчагина қисқарган муддати ҳаётга қадам қўяётган ёш йигитларимизга шу муддат мобайнида ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиши учун етарли бўлади. Ва ўзининг келажагини аниқ танлаб олиш — ҳарбий касб бўладими ёки фуқаролик касби бўладими — унинг ўзига ҳавола.

Тўртинчи далил. Яна шу нарса муҳимки, хизмат муддатининг қисқариши натижасида совет замонидан қолиб келаётган "эски хизматчилар" ва "янги келганлар" деган бемаъни тушунчаларга, агар улар бугун гоҳ-гоҳ учрайдиган бўлса ҳам, бундан кейин бутунлай барҳам берилади, аскарлар жамоасида соғлом ва илиқ муносабатлар кучаяди.

Яна бир масала — муқобил хизмат ҳақида. Бундай хизматнинг шаклини ўзгартиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳар ҳолда, ҳозирги пайтда амалда бўлган муқобил хизмат шакли ўзини оқламаяпти. Буни рўй-рост тан олиш керак.

Шу муносабат билан ҳарбий ва граждан экспертлардан иборат махсус комиссия тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ушбу комиссия Қуролли Кучларимизга чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташнинг янги концепциясини ишлаб чиқиши лозим.

Мазкур концепцияда биринчи галда биз намуна олишимиз мумкин бўлган мамлакатлар тажрибасида бу вазифалар қандай ҳал этилганига эътибор қаратиш зарур.

Бу масалада тарихимизнинг энг мураккаб даврларида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган, командирлик ва аскарлик борасида бой тажрибага эга бўлган фахрийларимизнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам инобатга олиш керак.

Шунингдек, мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиб қайтган ёки хизматни ўтаётган йигитларимизнинг ҳам таклифларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Шу билан бирга, мазкур комиссияга мамлакатимизда Қуролли Кучлар заҳираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини топшириш керак. Ушбу концепцияда резерв хизмати самарали фаолият кўрсатаётган тараққий топган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида резервчилар тузилмаларини шакллантириш принциплари, уларнинг мақоми, вазифалари, тинчлик даврида ҳам, уруш шароитида ҳам мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда улардан самарали фойдаланиш усул-услублари белгилаб берилиши даркор.

Бу концепциялар ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганидан кейин ҳарбий хизмат билан боғлиқ қонунларни қайта кўриб чиқишда, зарурат туғилганда эса, янги қонун лойиҳаларини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Ўйлайманки, бу ишларнинг барчасини қисқа муддатда бажариш мумкин ва лозим.

Қадрли ватандошлар!

Мен юқорида билдирган фикримни яна бир бор такрорлаб айтмоқчиман. Биз Ўзбекистон мустақиллигининг нисбатан қисқа мана шу тараққиёт даври мобайнида кўп асрлик тарихимизнинг синов ва сабоқларга бениҳоя бой бўлган ғоят мураккаб, лекин шарафли босқичидан ўтдик.

Энг муҳими, энг асосийси — **халқимиз ўзининг сабру матонатини, донишмандлигу бағрикенглигини, меҳнатсеварлик фазилати ва бунёдкорлик қудратини, белгиланган мақсад сари, аввало, ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда қатъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намоён этди.**

Бугун олдимизда янада юксак марралар турибди.

Юқорида зикр этилган муҳим вазифалар, тамойил ва устувор йўналишлар, очиқ айтиш керакки, жамоатчилигимиз, халқимиз учун янгилик эмас. Бу вазифаларни амалга оширишни мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ва бозор ислоҳотларини мантиқий ва изчил давом эттириш зарурати тақозо этмоқда.

Биз олдимизда турган бу йўналишларни бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, ягона тизим сифатида ифода этилган мақсад ва вазифалар дастури, деб қабул қилсак, асло хато бўлмайди.

Бу дастурни, маъно-моҳиятига кўра, Ўзбекистонни янгилаш ва тараққий топтириш йўлидаги ҳаракатларимизни ўзида мужассам этган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта ишлаб чиқилган стратегик дастур, деб қабул қилишимиз керак.

Бу устувор вазифаларни амалга ошириш, аввало, ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари оғишмай, қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизни бир нарсага даъват этмоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни, авваламбор, ўзимиз учун, униб-ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир бўлган болаларимиз учун қурмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугун ҳаётга кириб келаётган янги навқирон авлодимизга, насл-насабимиз давомчиларига қандай орзу-умид билан қараётган бўлсак, келажакда улар ҳам бизга — ўз ота-оналарига худди шундай ғурур ва ифтихор билан қарашини истаймиз, шуни ҳавас қиламиз.

Менинг даъватим, азиз дўстлар, биродарлар — мана шундай юксак ҳурмат-эҳтиромга муносиб бўлайлик, шунинг учун курашайлик, бу мақсадга етишиш учун бутун борлиғимизни бахшида этайлик.

Сўзимнинг ниҳоясида барчангизни Ватанимиз истиқлолининг ўн бир йиллик қутлуғ байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизга омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

Испаниянинг Алкала де Энарес университети 1293 йили ташкил этилган. 1499 йили Кардинал Сиснерос раҳнамолик қила бошлагач, унинг академик фаолияти янада кенгайди. Ҳозир унда 22700 киши таҳсил олади. Университетнинг ўнга яқин факультети, яна шунча политехника мактаби, илмий тил ўрганиш марказлари, шифохона ва ботаника боғи бор. Лотин Америкасидаги барча олий ўқув юртлари ҳам Алкала де Энаресни намуна деб билади ва ундан андоза олади.

Ушбу қадим ва нуфузли университетда "Сиснерос" медали, Фахрий диплом ва Кумуш пластинадан иборат олий мукофот таъсис этилган. Бу мукофот таълим соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган давлат арбобларига берилади. Жумладан, Испания қироли Хуан Карлос Биринчи, БМТ Бош котиби Кофи Аннан, Исроилнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Шимон Перес ана шундай шарафга сазовор бўлган.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, Алкала де Энарес 1998 йили ЮНЕСКО томонидан башариятнинг маданий мероси деб эълон қилинган. Ҳали дунёнинг бошқа бирор университети бундай эътибор қозонмаган.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида таълим соҳасида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилаётгани дунёнинг обрўли илм даргоҳлари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов ўтган ой охирида Японияга расмий ташриф буюрганида, Токиодаги Васеда университети унга Фахрий доктор унвонини берган эди.

Испаниянинг мазкур нуфузли университети Илмий кенгаши ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ўзининг Олий мукофотини тақдим этишга қарор қилди.

Мукофотни 28 август куни Оқсаройда мамлакатимиз раҳбарига Алкала де Энарес ректори Мануэль Гала Муньос топширди. У Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмаслигини, университетининг эҳтиромини изҳор этаётганидан мамнунлигини таъкидлади. Юртимизга келиб, таълим соҳаси билан шахсан танишгач, мамлакатимизнинг келажаги, ҳақиқатан ҳам, буюк эканлигига амин бўлганини қайд этди.

Ислом Каримов мукофотни қабул қилиб олар экан, бу Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яна бир эътирофи эканини айтди. Бу эътибор узоқ тарихга эга Ўзбекистон — Испания муносабатларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Энг қадимий, энг нуфузли университетлардан бири бўлмиш Алкала де Энареснинг фаолияти жуда бой ва хилма-хил, илмий йўналишлар жуда кўп. У 1996 йилда имзоланган битимга мувофиқ Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети (ЎзДЖТУ) билан ҳам қалин ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистонлик ўнлаб ўқитувчи ва талабалар Алкала де Энаресда малака ошириб, таҳсил олиб келган. Шунингдек, ушбу университет ҳар йили ўзининг испан тили ўқитувчиларини ЎзДЖТУга юбориб туради.

Оқсаройдаги учрашув чоғида икки ўртада таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Дарслиқда илк бор иллюстрациялардан ташқари мавзуларда мультфильмлардан фойдаланилган бўлиб, улар ўқув материаллари мазмунини ўқувчи онгига тезроқ етказиш билан бирга дарслик дизайнининг мазмундорлигини оширишга ёрдам берган.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

котиби Ф.Омонов, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳакимова, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари, "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси И.Ғофуров, мудофаа вазирининг ўринбосари, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондони Т.Жумаев, Шарқий округ қўмондони Қ.Аҳмедов, Марказий ҳарбий округ қўмондони И.Эргашев, Тошкент ҳарбий округи қўмондони Б.Тошматов, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Собиров иштирок этди. Улар Президент Ислом Каримов маърузасидаги фикр ва хулосаларни, мамлакатда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш концепциясини қўллаб-қувватлади.

Депутатларнинг таклифига кўра, Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузди. Мазкур комиссия раиси — парламент-нинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов депутатлар эътиборига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси юзасидан қарор лойиҳасини ҳавола этди. Олий Мажлис тегишли қарор қабул қилди.

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида ҳисобот берди. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати муҳокамасида Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Қува тумани "Матлуботсавдо" акционерлик жамияти бошқаруви раиси М.Ҳайдаров, Хўжаобод тумани Мадиёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Қ.Обидов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

"Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрири лойиҳасини депутатлар муҳокамасига парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси И.Қаландаров ҳавола этди. Бойсун тумани ҳокими Т.Ҳамроев, Шаҳрихон туманидаги А.Саримсоқов номидаги ширкат хўжалиги раиси Ў.Бозорбоев чиқишларидан сўнг Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Қонунни тасдиқлади.

"Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов ҳавола этди. Мазкур ҳужжат юзасидан Нукус шаҳри ҳокими И.Қалмуротов, Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, "Қашқадарёавтотранс" бирлашмаси раиси Қ.Панжиев ўз фикрларини билдирди. Депутатлар "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев депутатлар муҳокамасига "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини тақдим этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, "Совпластитал" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, "СамКочАвто" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси директори С.Ўроқов иштирок этди. Депутатлар ушбу қонуннинг янги таҳририни қабул килди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

30 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ер ости бойликларидан халқ ва келажак авлод манфаати йўлида оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимиз улкан ва ноёб табиий бойликларга эга, улардан хўжалик фаолиятида имкон қадар тезроқ фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бугун ер ости бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш, ушбу соҳада мавжуд барча тўсиқларни бартараф этиш ғоят муҳимдир. Президент, шунингдек минерал ресурсларнинг миқдори ва жойлашган жойини кўрсатган ҳолда табиий бойликларнинг махсус реестрини тайёрлаш, мамлакатимизда мавжуд фойдали қазилмалар захираларига нисбатан жаҳон бозоридаги коньюктураси доимий равишда ўрганиш, қулай инвестициявий иқлим яратиш лозимлигига эътибор қаратди. Юртбошимиз ушбу масалаларнинг барчасини қонунни якуний ишлаб чиқишда ҳисобга олишни таклиф этди.

«Қизилқумнодирметолтин» давлат акционерлик концерни раиси Н.Кучерский, Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, «Фарғонанефткимёмонтаж» масъулияти чекланган жамият раиси Р.Жалилов мазкур ҳужжат тўғрисида фикр билдирди.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунни биринчи ўқишда қабул қилиш ва уни умумхалқ муҳокамаси учун чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунни Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов тақдим этди.

Мазкур қонун лойиҳасини муҳокама этишда Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситаларида цензура бекор қилинган шароитда сўз эркинлигига масъулият билан ёндашиш тўғрисида унутмаслик зарурлигини таъкидлади. Журналистлар материал тайёрлашда ўзбек халқининг Ғарб давлатлари халқларидан жиддий фарқ қиладиган менталитети, анъана ва урф-одатларини ҳисобга олиши лозим. Сўз эркинлиги тафаккурнинг юқори маданиятини ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз вазифаларига виждонан ёндашувини инкор этмайди.

Олий Мажлис «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедовнинг ушбу масала бўйича чиқишидан сўнг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Депутатлар, шунингдек «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни муҳокама этди ва қабул қилди.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов депутатлар эътиборига ҳавола қилди. «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А.Абдуллаев, Бандихон тумани ҳокими Ў.Чўтбоев, Шаҳрисабз тумани марказий шифохонаси бош шифокори П.Бадалбоеванинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия иштирокчилари эътиборига парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева тақдим қилди. Муҳокама чоғида 1-Тошкент давлат тиббиёт институти ректори, «Адолат» Ўзбекистон социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, «Намангангазтаъминот» шўъба корхонаси директори З.Тожибоевнинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси тўғрисида сессияда Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов маъруза қилди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби А.Болиев, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Мурод Муҳаммад Дўст, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И.Латипов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ахборот» дирекциясининг Фарғона водийси бўйича мухбири М.Обидов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали бош дирекциясининг бош директори Х.Давронов, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси етакчи хонандаси Ю.Усмонова, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г.Латипова иштирок этди. Парламент мазкур қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари номидан депутат Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия эътиборига ҳавола этди. Депутатлар ушбу қонунни қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси Котибияти раҳбари Т.Норқуловнинг сессия давомида келиб тушган фуқаролар мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Б.Эшоновни берган аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси лавозимидан озод қилди ва Б.Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси этиб сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметов тақдимига кўра сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Олий Мажлис, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов тақдимига кўра мазкур суд таркибига ўзгаришлар киритди.

Депутатлар Н.Исмоиловни Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

ТАЪЛИМДА ЎЗБЕКИСТОН — ИСПАНИЯ ҲАМКОРЛИГИ

Испаниянинг Алкала де Энарес университети ректори Мануэл Гала Муньос ва рафиқаси юртимизда меҳмон бўлиб, кўпгина олий ўқув юртлари билан яқиндан танишдилар.

Шундай учрашувлардан бири 28 август куни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ҳам бўлиб ўтди. Меҳмонлар университет ректори билан учрашиб, келгусида Алкала де Энарес университети билан ҳамкорлик соҳасида олиб бориладиган алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, испан тили ва маданияти раҳбари Ш.Холматова, Алкала де Энарес университетида малака ошириб қайтган Р.Абдусатторов ҳамда бир қатор талабалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон Давдат жаҳон тиллари университети ўқитувчилари Алкала де Энарес университети жамоаси билан 1996 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида 20 нафардан ортиқ ўқитувчи ва талабалар алмашуви ташкил этилди. Университетда фаолият олиб бораётган испан тили ва маданияти марказига Испаниядан кўпгина дарслик ва ўқув қўлланмалари, луғатлар ҳамда даврий нашрлар мунтазам равишда юбориб турилади.

— Алкала де Энарес университети ҳар йили университетимизда испан тили ва адабиётидан дарс бериш ҳамда маърузалар ўқиш учун ўз мутахассисларини юборади. Мазкур мутахассислар талабаларга тил ўргатиш билан бирга Испания тарихи, маданияти, санъати ва урф-одатлари билан таништирадилар, — дейди биз билан суҳбатда университет халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Ҳусан Йўлдошев.

Бундан ташқари 2002—2003 ўқув йилидан мазкур университетнинг испан тили бўлимида магистратура йўналиши бўйича илк қабул бошланди. Бу эса келгусида магистр талабалар Испаниянинг бир қатор университетларида ўқишларини давом эттиришлари, малакавий ишларини тайёрлашлари ҳамда тажриба алмашишларига замин яратади.

Жамшид ШАРИПОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Суратда: испаниялик Мануэл Гала Муньос билан университет профессор-ўқитувчилари ўзаро мулоқот олиб бормоқдалар.
Ойбек САЛИМОВ олган сурат.

Юртимизда фидойи инсонлар бисёр. Уларнинг умр китобини бир-бир варақлар экансан, беихтиёр ҳаяжондан қалбинг жунбушга келади, Ватан, эл-юрт равнақи йўлида амалга оширган ишларидан ибрат оласан киши. Газетамизнинг бугунги меҳмони ўқитувчи, Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Марат Зокиров ҳам бутун ҳаётини халқимизнинг бахт-саодати йўлига тиккан фидойи инсонлар сирасига киради.

Куни кеча эса унинг ҳаётида яна бир унутилмас воқеа юз берди. М.Зокировга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дунё миқёсидаги шон-шуҳратини ва обрўсини юксалтириш, ислоҳотларни равнақ топтириш йўлидаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон — "Олтин Юлдуз" медалига сазовор бўлди.

Mehmonxona



Ўзбекистон Қаҳрамони Марат ЗОКИРОВ:

ЎҚИТУВЧИ НОНИНИНГ ТОТЛИ ТАЪМИ

— Ватан — муқаддас тушунча. Бу тушунчанинг моҳиятини англаш, унинг ҳақиқий фарзандига айланиш, эл-юрт эъзозига сазовор бўлиш барчага ҳам бирдек насиб этмайдиган неъмат. Бугун сиз ўз меҳнатларингиз эвазига ҳукуматимиз томонидан энг олий мукофот — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига муяссар топилдингиз. Ушбу хушхабарни эшитганингизда дастлаб ўзингизда қандай ҳис-туйғуни туйдингиз?

— Дастлаб мазкур хушхабарни телевизор орқали "Ахборот" дастурининг рус тилидаги сонида эшитиб, Оллоҳга шукроналар келтирдим. Беихтиёр хаёлимда отаонам, устозларим, уларнинг ўгитлари-ю, берган насиҳатлари, ўқитувчи бўлиш орзуси мақсадга айланган йиллар, бу йўлдаги изланишларим, талабалик ва ниҳоят ўқитувчи сифатида илк ўқувчилар билан бўлган учрашув... Буларнинг барча-барчаси унутилмас хотиралардир.

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ана шу бир марталик умрни инсон ўзи хоҳлагандек яшаб ўтиши бир бахт. Мен ана шу онларда ўша бахтнинг лаззатини, унинг шукуҳини ҳис этдим. Умрнинг ғаниматлиги хусусида бекорга фикр юритмадим. Умр — оқар сув. Унинг ҳар дақиқасидан унумли фойдалана олиш лозим. Алломалардан бири шундай дейди: "Ҳар бир инсон ҳаётнинг тўла қадрига етмоқ учун лоақал бир марта ўлим билан рўбарў келиши керак. Шунда инсоннинг ҳаётга нисбатан фикри ўзгаради. Умрнинг, вақтнинг ғаниматэканлигини сезади. Бу эса бани башарни эзгуликка, ўзидан кейин яхши ном қолдирмоқликка даъват этади". Мен мана шу фикрнинг нақадар ҳақиқат эканлигини донишмандлар айтган вазиятга тушиб ҳис этганман. Эзгулик абадийдир. Унга эш бўлган инсон эл-юртнинг ишончига, керак бўлса, суянчига айланади.

— Ҳар қайси юртнинг, миллатнинг ўз тараққиёт йўли, халқни ана шу йўлдан бошловчи ўз йўлбошчилари, таъбир жоиз бўлса, ўз қаҳрамонлари бўлади. Ана шундай қаҳрамонлар ичида сиз каби оддий ўқитувчиларга юксак мукофотнинг берилиши замирида қандай ҳикмат мужассам, деб ўйлайсиз?

—Бугун юртимизни жаҳон таниди. Ўтган 11 йиллик қисқа вақт ичида дунёнинг кўплаб давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон дунёга чиқди. Унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, қўлга киритган муваффақиятлари сафини кенгайтириш эса униб-ўсаётган ёшларимизнинг нақадар интеллектуал салоҳияти юқори, дунё илм-фанини қанчалик мукаммал ўзлаштирганлигига боғлиқ. Бу вазифа эса ўқитувчи гарданида. Менинг назаримда, ўқитувчи мисоли машаъла. У ўз умрини ўзгалар ҳаётини ёруғ, йўлини равшан қилишга бағишлаган инсон. Шу боис фарзандлари келажаги, Ватан истиқболини ўйлаган давлат ёки миллат борки, ўқитувчи-мураббий фаолиятига, ёшлар таълим-тарбия-сига беэътибор бўлмаган. Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бу соҳага эътибори — ўзи муаллифлик қилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", ва қолаверса, биз каби ўқитувчиларга бўлган муносабати ёдимизда. Шу боис уларга ўқувчиларнинг ҳурмат, эҳтиромлари ҳам бўлакча.

Дарсни саҳна асарига тенглаштирилгани муболаға эмас. Унга пухта тайёргарлик кўрмоқ керак. Зеро, дарсда айтилган ҳар бир сўз ўқувчи қалбига бир умрга муҳрланади. Бир мисол келтирсам. Мактабда ўқиб юрган кезларимизда она тили ва адабиёт фани ўқитувчимиз бўлар эди. Бир куни адабиёт дарсида ёзувчи Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романини биз — ўқувчиларга тушунтирар экан, асар қаҳрамони Йўлчининг тоғаси Мирзакаримбой ҳузурига борган дастлабки онлардаги тоға-жиян ўртасидаги муносабатга тўхталиб, "Мирзакаримбой Йўлчини мисолида яққол намоён бўлиб турибди. Ана шу дастур асосида қисқа фурсат ичида юртимизда қанчадан-қанча таълим даргоҳлари қад ростлади. Уларда ўқитувчи-ю ўқувчиларга яратилган шарт-шароитларни айтмайсизми... Буларнинг барчаси юрт эртасининг истиқболи демакдир. Менга берилган Ватанимизнинг олий мукофоти эса ана шу халқ эртасини бунёд этувчи ўқитувчиларга билдирилган катта бир ишончнинг рамзи, деб биламан.

— Ҳар бир дарс мисоли бир саҳна асари. Унинг маромида ижро этилиши ўқитувчидан юксак маҳорат, тажриба ва ижодкорлик талаб этади. Сиз ўқитувчининг ижодкорлигига қандай ёндашасиз?

— Аввало, ўқитувчи ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўрмоғи лозим. Дарснинг тезроқ якун топишини, яъни ўқувчиларни танаффусга чорловчи қўнғироқнинг жарангини кутиб дарсга кирган ўқитувчи менинг назаримда, энг катта гуноҳга ботади. Чунки у беғубор бола қалбидаги ишончни ўғирлайди. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай ўқитувчи на ўқитувчилар жамоасида, на ўқувчилар орасида ҳурмат топади. Алдовлари ўзига ёлғон муомала, сохта мулозамат тариқасида қайтади. Масалан, бизнинг ўрта мактабни тамомлаганимизга салкам ярим аср бўлиб қолган бўлса-да, ҳанузгача қайси ўқитувчимиз фидойилиги-ю қайси бири номигагина синфхонага кирганлиги севиб қолди" деганларида синфхонада кулги кўтарилди. Чунки ўқитувчининг "яхши кўриб қолди" жумласини "севиб қолди" сўз бирикмаси билан алмаштириб юбориши гапнинг маъносига таъсир этганди. Буни қарангки, бугун ҳам синфдошлар ўртасида ўша ўқитувчи хусусида сўз кетса, "Мирзакаримбой Йўлчини севиб қолган ўқитувчи" дея изоҳ келтирилади.

Ушбу мисолни келтиришим бежиз эмас, токи у ҳар бир ўқитувчига сабоқ бўлсин.

— Ўқитувчилик — масъулиятли касб. Унинг заҳматли меҳнати энг аввало, инсондан фидойилик талаб қилади. Сизнинг ушбу касбга меҳр қўйишингизда нималар, қандай омиллар етакчи аҳамият касб этган?

—Шуни таъкидлаш лозимки, мен муаллимликнинг ширин нони таъмини туйиб улғайганман. Отам ҳам, онам ҳам ўқитувчи бўлишган. Бу соҳа машаққатли бўлса-да, нонининг тотли таъми бор. Балким шу сабабдандир, нафақат менинг, балки оиламизда камол топган 8 фарзанднинг 7 нафари ўқитувчилик касбини танлашига омил бўлган бўлса, не ажаб. Отамизнинг бу касбга меҳрлари эрта тушган эканми, ҳали оила қурмасданоқ ёшларнинг илм-маърифатли бўлишлари йўлидаги изланишлари боис, 23 ёшларидаёқ ҳозирги 36-мактабни 1937 йилда 4 йиллик таянч мактабидан 7 йиллик ўрта мактабга айлантирганлар. Онам эса ана шу мактабдаги ўқувчиларнинг хат-саводли, комил инсон бўлиб вояга етишларига умрини бахшида қилган мўътабар зотлардан бўлганлар. Эътиборлиси, ҳар гал бобом уйимизга келганларида невараларини олдига тўплаб олиб, катта бўлганимизда қайси касб эгаси бўлишимиз ҳақида сўрашарди. Шунда аксариятимиз ўқитувчилик касбини танлаганимиз кечагидек ёдимда. Буни қарангки, бугунга келиб мазкур касб оиламизнинг энг эъзозли касбига айланди. Камолга етказган фарзандларимизни уйли-жойли қилиб 10 нафар фарзандимиз куёв-ўғилларим ва келин-қизларим билан 20 нафар бўлишди. Қувонарлиси шундаки, ҳозирда ана шу фар-зандларимнинг 16 нафари бобо-ю, момосининг руҳларини шод этиб, ўқитувчилик қилаётирлар. Бундан ташқари, ука-сингилларимнинг ҳам аксарият ўғил-қизлари ўқитувчилигидан фахрланаман.

Албатта, ота-онамнинг касбларини давом эттиришимда мактабдаги устозларимнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Эсимда, эндигина мактаб остонасини ҳатлаган биринчи синф ўқувчисиман. Ўқитувчимиз Олим Азимов бизга илм-фан сир-синоатларини ўргатиш билан бирга ҳаёт илмидан ҳам сабоқ берганлар.

Баҳорда мактаб ҳовлисини ободонлаштириш мақсадида кўчат ўтказадиган бўлдик. Шунда муаллимимиз бизга шундай ўгит берган эдилар: "Инсон ҳам мисоли бир дарахт. Мана бугун ўтказилган кўчат 30-40 йил ўтар, катта бир дарахтга айланади. Ўшанда унинг соясида сизнинг фарзандларингиз соялайди, ҳордиқ чиқаради. Бобом эккан дея номингизни эслайди".

Эзгу иш — абадийдир. Дарҳақиқат, Бугун Жиззах туманидаги 36-мактабга борсангиз мактаб ҳовлисининг ўртасида экилган катта чинор дарахтига кўзингиз тушиши, шубҳасиз. Дарахт шунчалик улканки, унга икки-уч кишининг қулочи зўрға етади. Унинг соясида фарзандларимиз, эртанги умид ниҳолларимиз дам олаётганларини кўрганимда эса ҳар гал қалбим жунбушга келади.

— Марат ака, сиз ҳаққингизда ёзилган "Марат аканинг қувончи" номли очеркда ўқувчиларнинг ота-оналари билан кўпроқ мулоқот уюштиришга ҳаракат қилишингиз таъкидланган. Айтинг-чи, бунинг ўқувчи тар-биясига, таълим жараёнига таъсири қандай?

—Билим манбаи ҳам, тарбия манбаи ҳам, энг аввало, ҳамкорликда. Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги эса бола тарбиясида муҳим ўрин тутади. Зеро, фарзанд тарбияси — умуммиллат иши. Уни фақатгина оила ёки мактабнинг иши дегувчилар қаттиқ янглишади. Чунки фарзанд камоли юрт истиқболини белгилашга қодир. Шу боис бу ишга эътиборсиз инсонни кечириб бўлмайди. Ҳамкорлик яхши йўлга қўйилса, боланинг билимида ҳам, хулқида ҳам ўзгариш ясаш мумкин. Мактаб — муқаддас даргоҳ. У ҳаттоки, яшаётган уйингиздан ҳам кўркам, файзли бўлмоғи лозим. Чунки муҳташам, барча қулайликларга эга хонадонда тарбия топаётган фарзандга хароба мактабда минг таълим-тарбия берманг, у мактабдан қочади, кўнгли совийди. Шу боис мактаб ҳар жиҳатдан гўзал бўлмоғи зарур. Шунда ўқувчи мактабни ҳурмат қилади. Унинг янада кўркам бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга интилади. 1984 йили 36-мактабга мактаб директори бўлиб келганимда ота-оналарни йиғиб дастлабки ишни ана шундан бошладим. Уларнинг ўз фарзандлари камоли ўз қўлларида эканлигини тушунтира олдим. Шундан сўнг мактаб 3-4 йилда шу қадар ўзгардики, туманда энг қолоқ мактаб вилоятда энг намунали ўқув даргоҳига айланди. Албатта, амалга оширган ишларининг самарасини кўрган ота-оналарнинг эса фаоллиги янада ошди. Мактабга қайсидир жиҳатдан бўлса-да кўмак бериш шарафли ишга айланди.

Бироқ афсуски, мана шу эзгу иш ҳали барча мактабларда бирдек оммавий тус олмаган. Буни амалга ошириш учун эса мактаб ўқитувчиларидан, энг аввало, директоридан изланиш, ташаббускорлик талаб қилинади.

Шу орқали дастлабки йилларда ота-оналар қалбига кириб бордим. Бу эзгу ишлар бугун ҳам давом этмоқда. Биргина мисол, мактаб жорий йилда интернет тармоғига уланган бўлса, ўтган йиллар давомида ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида яна қўшимча бир неча синфхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида эса ўқувиларимизнинг фан олимпиадаларидаги иштироки, совринли ўринларни эгаллаши, олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари ҳам юқори. Мисол учун жорий йилнинг ўзида 13 нафар ўқувчимиз вилоят фан олимпиадасида ғолиблар сафидан жой олган бўлса, айни шу йили 91 нафар битирувчимизнинг 84 нафари республикамизнинг энг нуфузли олий ўқув юртлари талабалари бўлишди.

— Муаллимларга билдирадиган истак ва тилакларингиз.

—Инсон дунёга эзгулик учун яралган. Ўзидан кейин яхши ном, яхши фарзанд, яхши шогирд қолдириш эса инъом этилган бир бахт. Шу боис ҳам муаллимлик — шарафли касб. Уни ҳеч қайси касблар билан алмаштириб бўлмайди. Бунга бир ҳаётий мисол келтирсам. Менинг онам ўзларининг 26 йиллик умрларини мана шу касбга, ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи бўлганлар. У киши 1962 йилда ҳаётдан кўз юмганлар. Бироқ орадан шунча йил ўтган бўлса-да, онам биз билан яшаётгандек. Чунки у киши ҳақида қаерга бормай ва ким билан суҳбат қурмай ўзгача бир эҳтиром билан ёд этадиларки, мен ҳам ўқитувчи бўлганимдан фахрланиб кетаман. Балки боболаримизнинг "Икки дунёси обод инсон" деганлари шудир. Ўқитувчиларимизнинг худди шундай ҳар икки дунёлари обод бўлсин, дейман.

Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров ҳузурига "Ma'rifat"нинг махсус мухбири Баҳодир ЖОВЛИЕВ бориб келди.

Тошкент—Жиззах—Тошкент

Биринчи марта ўтказилган имтиҳон натиҳаларига кўра 212 нафар абитуриент университет талаби сифатида қарашимиз, яхши даражада ўқишга қабул қилинди. Ҳаҳ бирининг 160 нафари 1 курсга — "Ахборот технологиялари" факультетига, 40 нафари 2 курсга — "Бизнес бошқарув" факультетига ўқишга қабул қилинди.

Ma'rifat

Танлаб олинган дарсликларнинг матбаа сифати хорижда нашр этилган дарсликлардан қолишмайди. Лекин танлов натиҳалари муҳокама этилганда, ҳали ҳам дарсликлар нашр этувчи айрим нашриётларнинг дарсликларни дизайн қилиш бўйича тажрибаси етишмаслиги маълум бўлди.

МУНОСИБ СОВҒА

Кейинги йилларда мамлакатимиз мустақиллигини нишонлаш арафасида янги-янги бинолар, корхоналар, заводлар, таъмирталаб объектларни қайта реконструкция қилиб, фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланган. Сурхондарё вилояти Термез туманидаги 4-эски мактаб биносининг ўрнига янги, замонавий типдаги 240 ўринли мактаб қад ростлади ва фойдаланишга топширилди. Мактабни фойдаланишга топшириш маросимида Термез тумани ҳокими Б.Панжиев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Иноятова, ота-оналар, ҳомий ташкилотлар, туман фахрийлари иштирок этдилар.

— Янги мактабнинг қурилиши мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига ҳамда янги ўқув йилига муносиб совға бўлди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Иноятова.

Қ.АБДУЛЛАЕВ

БОЛАЖОНЛАР ОРЗУСИ УШАЛМОҚДА

Истиқлолнинг 11 йиллик байрами арафасида Хатирчи туманидаги замонавий бинода жойлашган 2-"Дилором" болалар боғчасида тарбияланаётган 70 нафар ўғил-қизларнинг мурғак қалблари шукуҳга тўлмоқда. Мазкур боғча "Соғлом авлод дастури" бўйича иш олиб бораётганлиги учун таянч тарбия масканига айланганини ҳам айтиш жоиз. Боғча кенг кўламда намунали ишларни олиб бораётганлиги учун вилоятдаги етакчи боғчалардан бири ҳисобланади. Айниқса, катта гуруҳ тарбияланувчиларини мактабга тайёрлаш, лотин алифбосини ўргатиш, болалар ўз фикрларини аниқ ва равон тарзда ифода қилиб сўзлашлари борасида эришилган ютуқлар юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, педагог, психолог, тиббиёт ходимлари машғулотларни режа асосида олиб бориб, болажонларни табиатга, тарихга ва ўзлари яшаётган худудни ўрганишга ундамоқдалар. Турли миллий ўйинларни ўргатиб жисмоний машқлар, экскурсия, саёҳатлар уюштириб, қизиқарли маълумотлар орқали болаларнинг онгини шакллантирмоқдалар.

Боғчада яқинда бўлиб ўтган мустақилликнинг 11 йиллигига бағишланган "Биз истиқлол лолаларимиз" мавзусидаги тадбир барчага бирдек манзур бўлди.

Болалар боғчасида таълим-тарбия ва дам олиш ишларини қизиқарли ва мазмунли ташкил қилишда тарбиячилардан Лола Содиқова, Марзия Маматқобилова, ҳамшира Музаллат Даминова ва бошқаларнинг меҳнатлари беқиёс.

Боғча қошидаги соғломлаштириш маркази таркибида жисмоний тарбия машқларини бажариш учун "гимнастика шаҳарчаси", чўмилиш ҳавзаси фаолият кўрсатмоқда.

— Бундан ташқари тарбияланувчиларнинг завқ билан дам олишлари учун, мусиқа зали, расм хонаси, кичик қутубхона болалар ихтиёрида, — дейди боғча мудираси Ҳанифа Мавлонова.

Бу ерда 11 йиллик тўйни муносиб кутишда яна бир янгиликни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан, яқшанбалик гуруҳлари, хонадон боғчалари, 4-5 соатлик боғчалар ташкил этилиб, қўшимча 30 нафар болажонларни "Дилором" ўз бағрига олади.

Ўткир ПЎЛАТ

ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ НИМА БЕРДИ?

Биз дарслик яратишга энг илғор энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик ва одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса, катта танлов асосида яратиш лозим.

Ислом КАРИМОВ

Дарҳақиқат, юртимизда бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар рўёби, баркамол авлодни вояга етказиш мақсади бевосита дарсликларга боғлиқ. Зеро, мактаб остонасини ҳатлаган жажжи ўқувчи дунёни дарсликлар орқали англайди. Таълим дарсликлардан бошланади. Шу боис Ватанниг ўстанги келажагини белгиловчи фарзандларимизни она заминга муҳаббат, халқимизга буюк эҳтиром руҳида тарбиялайдиган, миллат фикри, тафаккури ва унинг мафкурасини ўзида акс эттирган дарсликлар яратиш бугуннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Мазкур муаммо қай тариқа ўз ечимини топмоқда? Дарсликларнинг янги авлодини яратишга янгича ёндашув ўз самараларини бераяптими? Яқинда Республика таълим марказида соҳа мутахассислари, журналистлар иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида худди ана шу каби масалалар хусусида фикр юритилди.

Маълумки, Халқ таълими вазирлиги томонидан Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун танлов асосида яратилган дарсликларнинг янги авлоди нашрдан чиқди. Танлов шарофати ила дарсликларнинг мазмуни, таълим усули, дизайни, нашр сифати яхшиланди ва такомиллаштирилди. Бунда, айниқса, республикамиз мутахассисларининг ривожланган мамлакатларнинг нуфузли марказларида малакаларини ошириб келганликлари, дарслик муаллифларининг қалам ҳақи тизимининг қайта кўриб чиқилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Оқибатда дарслик яратувчи муаллифлар сони ортди.

Дарсликларни танлов асосида яратиш орқали эришилган натижаларга тўхталар экан, дарсликларни яратиш авлодини яратиш бўйича танлов комиссияси аъзоси Жаҳонгир Мусаев шундай деди:

— Дарсликларни танлов асосида

яратиш баҳонасида илк маротаба дарсликларни яратиш бўйича нашриётлар орасида ҳам танлов ўтказилди, бунда нашриёт, муаллиф ва босмахона ҳамкорлиги юзага келди. Натижада эса дарслик ҳам мазмун, ҳам полиграфик жиҳатдан замон талаблари асосида яратилди. Таъкидлаш лозимки, танловда жами 24 нашриёт қатнашди. Бу матбаачиликда неча йиллар давом этиб келган монополияга чек қўйди. Айтиш керакки, танловда бешта хорижий нашриёт ҳам иштирок этди. Ҳар бир ўқув фани бўйича тўрттагача дарслик қўлёзмалари танловда ғолиблик учун даъвогарлик қилди. Мазмун жиҳатидан талабга тўла жавоб берган дарсликлар баҳосининг арзонлиги уларнинг ғолиб, деб топилишида муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада танлов асосида яратилган дарсликлар нархи анча арзонлашди. Масалан, жорий йилги танлов натижасида 2001 йилда 5-синф Инглиз тили дарслиги бозорда 1460 сўм атрофида бўлган бўлса, танлов орқали харид қилиш худди шу дарсликнинг нархини 990 сўмга туширишлишга сабаб бўлди. Қолаверса, биринчи маротаба дарслик билан бирга ўқитувчи учун методик қўлланма ҳам ишлаб чиқилди. Бу эса танловнинг асосий ютуғи ҳисобланади. Зеро, ўқитувчи учун методик қўлланманинг чоп этилиши дарслик ҳажмини сезиларли даражада ихчамлаштирди. Ва шу орқали дарслик нархининг арзонлаштирилишига эришилди. Шу билан бирга, 2001 йилдан бошлаб дарсликни мактабгача етказиш ташкил этилди. Унинг назорати ХТВда бўлиб, бу ҳисоб-китобни тўғри олиб боришга ва ортиқча харажатларни камайтиришга олиб келди.

Танлов бюджет ва Осиё тараққиёти банки кредити маблағлари ҳисобига ташкил этилди. Халқ таълими вазирлиги бюджет маблағлари ҳисобига ташкил этган танловда 13 номдаги (1-синф учун чоп этилган "Алифбе", "Ўқиш китоби", "Она тили", "Математика", дарсликлари; 4-синф учун "Ўқиш китоби"; "Табиёт"; 5-синф учун "Француз тили"; 6-синф учун "Француз тили"; 8-синф учун "Чизмачилик", "География", "Рус тили", "Ўзбекистон тарихи") дарслик ўқитувчилар учун методик қўлланмаси билан биргаликда ғолиб деб топилган бўлса, Осиё тараққиёт банки кредит лойиҳаси доирасида ташкил этилган танловда жами 15 номдаги (7-синф учун "Немис тили", "Инглиз тили", "Конституциявий ҳуқуқ асослари", "Информатика" 9-синфлар) дарслик ва ўқув қўлланмалари ғолиб деб тан олинди. Мазкур дарсликлар ижара тизимига киритилди.

Соғлом рақобат — тараққиёт мезони. Бу мезонга дарслик яратишда ҳам амал қилиниши қандай натижаларни берди. Соҳа мутахассислари билан бўлган суҳбатимиз шу хусусда кечди.

Моҳира Солиҳова, РТМ директори мовуини:

— Мустақилликдан олдинги яратилган ва амалдаги дарсликлар ўқувчига эмас, кўпроқ ўқитувчига мос келади. Унда мавзулар бошдан-охиригача баён усулида (академик тилда), катта ҳажмдаги матнларда берилиши билан бир қаторда, муаллиф дарсликни ўқувчи учун нотаниш бўлган илмий сўзлар билан "бойитиб", улар ҳақида тушунча ҳам бермайди. Натижада ўқувчи бундай дарсликдан чўчийди ва зерикади. Дарсликлар таҳлилига кўра қуйидаги мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Дарсликларнинг ҳажми фанларнинг ҳафталик юкламасидан эмас, ўқувчилар томонидан ушбу фанни ўзлаштириш имкониятидан келиб чиқиб белгиланиши ва бу борада олимларимиз томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кейинги йилларда мактаб дарсликларининг янги авлодини яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Бунда республикамизда орттирилган бой тажрибалар билан бир яхши жиҳатларидан бири, у бевосита муаллифлар ўртасида эмас, нашриётлараро олиб борилди. Унда иштирок этиш учун дарслик билан биргаликда ўқитувчилар учун методик қўлланма ҳам яратилди ва танлов комиссиясига тақдим этилди.

Комиссияга муаллиф қўлёзмаси билан биргаликда дарсликнинг тайёр макети ва босмахона варианти ҳам тақдим этилди. Танловда иштирок этган дарслик ва ўқув методик адабиётларни баҳоловчи экспертлар гуруҳи дарслик мазмуни билан биргаликда унинг дизайни, полиграфик сифатини ҳам баҳоладилар. Натижада дарсликларнинг нашр сифатини маълум даражада такомиллаштиришга эришилди. Мазкур дарсликлар амалда бўлган дарсликларга нисбатан мазмуни, таълим усули, дизайни, қоғознинг сифати жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Муаллифларимиз томонидан нафақат она тили, адабиёт, тарих, чет тили каби дарсликлар, балки, миллий педагогиканинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳамда маҳаллий материаллар асосида аниқ фанлар йўналиши бўйича бир қатор дарслик ва ўқув методик адабиётлар яратилиб, чоп этилди. Жумладан, 9-синфлар учун "Иқтисодий билим асослари", "Физика", "Алгебра" дарсликлари бошқа илғор давлат дарсликлари билан рақобатлаша олади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан 1-синф дарслик ва ўқув методик адабиётларини интегратив усулда яратиш бўйича ўтказилган танловда бирнеча нашриётлар иштирок этдилар. Танловнинг эксперт гуруҳи аъзолари интегратив усулда яратилган Алифбе, Она тили, Ўқиш китоби, Математика дарслик ва ўқув методик адабиётларига юқори баҳо бердилар. Натижада 2003-2004 ўқув йилида таълим ўзбек тилида олиб бориладиган 1-синф ўқувчилари учун 4 номдаги дарсликларни чоп этиш режалаштирилмоқда. Маълумки, 1-синфларнинг амалдаги дарсликлари 17 номни ташкил этади. Халқ таълими вазирлиги томонидан интегратив дарсликлар яратиш тизимига босқичма-босқич ўтилади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик шарофати билан дарсликларни яратиш бўйича ўзбек миллий мактаби шакланди, десак муболаға бўлмайди. Чунки дарсликларнинг янги авлодини яратиш жараёнида ёш муаллифлар авлоди кашф этилди. Муаллифлар ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлди. Илғор амалиётчи (эксперт) ўқитувчиларимиз дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг яратилиш тизимида иштирок этдилар.

Муҳаммаджон Қодиров, филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти: — Ўзбекистон мустақиллиги йилларида қабул қилинган давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида яратилаётган "Она тили" дарсликларининг танлов асосида нашр этиладиган уларнинг мазмун жиҳатдан ҳам, шаклий ва жиҳозий жиҳатдан ҳам сифатли бўлишини таъминлаймоқда.

Профессор Хамид Неъматов раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган 9-синф "Она тили" дарслигимиз бу йилги танловда ғолиб чиқди ва "Ўқитувчи" нашриёти томонидан чоп этилди.

Ушбу дарслик таълим усули ва мазмун жиҳатидан ҳозиргача амалда бўлган дарсликдан фарқ қилади: у, асосан, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришни кўзлайди, грамматик қонун-қоидалар шарҳи ҳужма хизмат қилади. Дарсликда ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар кўп, қизиқарли амалий машғулотлар ва нутқий ўйин-мусобақалар учун мавзуий йўналишлар берилган. Унда нутқ ўстиришга аҳамияти бўлмаган баъзи мураккаб грамматик талқинларга ўрин берилмади. Масалан, янги дарсликда аньанавий дарсликдагидан фарқли ўлароқ, эргаш гапли қўшма гапнинг 14 та маъновий гуруҳи қайд этилмаган, балки эргаш гапли қўшма гап қисмларини боғловчи воситаларига кўра турлари (улар 4 та) қамраб олинган. Бунинг жумла қуриш ва нутқ ҳосил қилишда ўзига хос аҳамияти бор.

Танлов нашриётларни ҳам рақобатга чорлагани учун 9-синф "Она тили" дарслиги ўқувчилар тасаввурига мос тоғ пиримиклари расмлар, турли жадваллар билан безатилган, мукаммал чиройли ва чидамли қилиб ишланган, сифатли қоғозда нашр қилинган.

Ўқитувчиларнинг янги дарслик билан самарали ишлашларини таъминлаш мақсадида профессор Аскар Ғуломов билан ҳамкорликда яратилган "9-синфда она тили дарслари" методик қўлланмамиз ҳам чоп этилди. У ўқитувчиларнинг ўқувчига билим беришида асқотиши шубҳасиз.

Машариф Сафаров, "Ўзбекистон" нашриётининг қардош тиллардаги мактаб дарсликлари таҳририяти мудири, филология фанлари номзоди, доцент:

— Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан Республика таълим марказида 2002-2003 ўқув йили учун танлов асосида яратилган янги авлод дарсликларининг тақдимоти ўтказилиши ўз вақтида амалга оширилган муҳим тадбир бўлди, деб ҳисоблайман. Бу анжуманнинг мақсади кенг жамоатчиликни дарсликлар нашри, таъминоти, ижара тизими билан яқиндан таништиришдир.

Бундай танловлар кейинги йилларда ҳам ўтказилишини эътиборга олиб, мен нашриёт ходими сифатида қуйидаги ўз фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашишни истар эдим.

"Ўзбекистон" нашриёти танловда иштирок этиб, 8-синф ўқувчиларига мўлжалланган Т.Очилов ва бошқалар ҳаммуаллифлигидан "Немис тили" ҳамда А.Умронхўжаевнинг 8- ва 9-синфлар учун ёзилган "Чизмачилик" дарсликларини нашр этиш бўйича ғолиблиги қўлга киритди. Бугунги кунда ушбу дарсликлар тегишли нусхаларда чоп этилиб, жойларга юборилди.

Нашриётимиз 9-синф бўйича "Немис тили" дарслиги юзасидан ҳам танловда қатнашишни режалаштирган эди. Бироқ муаллифлар керакли қўлёзмани танлов талаблари муддатида тайёрлаб кела олмадилар. Натижада бу қўлёзма танлов вақтида тегишли балл тўплай олмади ва нашрга тавсия қилинмади. Бу эса ўқувчиларнинг дарсликсиз қолишларига сабаб бўлди.

Эндиликда танлов уюштириладиган бўлса, бу дарсликларнинг номини ҳозирданоқ эълон қилиш керак. Зеро, дарслик муаллифлари қолган вақт давомида замон талаблари даражасидаги янги ўқув қўлланмасини яратиб улгурсин. Шунда нашриёт ходимлари ҳам ўз вақтида янги дарсликни, полиграфик, дизайн жиҳатдан сифатли нашрга тайёрлаб, ўқувчига етказади.

Умуман, ўтказилган ушбу тадбир бажарилган ишларга якун ва келгусида қилиниши лозим бўлган вазифалар йўналишини белгилаб олишга ижобий туртки бўлди. Биз нашриётчилар, босмахона ходимлари ва муаллифлар бир бўлиб, ҳамкорлик ришталаримизни доимо ривожлантириб борсак, олдимизга қўйилган барча вазифаларни уддалаб, фарзандларимизни юксак даражада ёзилган янгидан янги дарсликлар билан ўз вақтида таъминлай оламиз.

Раъно Отабоева, ХТВнинг дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси бошлиғи:

— Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги 4-сонли ҳамда 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 390-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида дарсликларнинг янги авлоди яратилиб, нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида 2002-2003 ўқув йили учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидаги, мустақил ҳамда хорижий жами 16 та нашриётга 793 номда 33,6 млн. нусхадаги дарслик ва ўқув қўлланмаларга Халқ таълими вазирлиги томонидан буюртма берилган. Жумладан, таълим 9 тилда олиб бориладиган, мактабларнинг 2-11 синф ўқувчилари учун жами 667 номда, 24 млн. 223 минг нусха дарслики очиқ савдога чиқариш учун эҳтиёж кўрсатилган.

Шундан, бугунги кунда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва "Шарқ" нашриёт матбаа концерни" томонидан берилган маълумотларга кўра, 2-11 синфлар учун 128 номда 13,0 млн. дарслик чоп этилди. Албатта, мазкур кўрсаткичнинг ўзиёқ ўқувчиларнинг дарсликларга бўлган эҳтиёжи ҳали талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Бироқ, бу борада ҳозирда ҳукумат томонидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тилида чоп этилган дарсликлар билан таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар дарсликлари нархлари ўртасидаги тафовут учун бериладиган маблағ Молия вазирилиги томонидан ажратилмаганлиги сабабли дарсликларни 3-4 йилдан буён чоп этиш масаласи муаммо бўлиб турган эди. Бу ўқув йилига Ҳукумат комиссиясининг мажлиси қарори билан барча тилда чоп этиладиган дарсликларнинг нархлари ўртача олиниб, бир хил бўлишига эришилган. Ўйлаймизки, тез орада ўкиш қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб бориладиган мактаблар учун 140 номдаги дарсликлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига қарашли ва бошқа нашриётлар томонидан таржима қилиниб, чоп этилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 33-сонли қарори эълон қилинган бўлиб, шунга кўра янги ўқув йилида кам таъминланган оила фарзандларига мансуб ўқувчиларнинг 75 фоизи дарслик ва ўқув қўлланмалар билан бепул таъминланиши кўзда тутилган. Кутубхона заҳирасига бериладиган дарсликлар ҳам кам таъминланган оила фарзандларига берилиши режалаштирилган. Бунинг учун барча тилларда таълим олаётган мактаб ўқувчилари учун 417 номда 10 млн.дан ортиқ дарслик мактаб кутубхона жамғармаларига киритиш учун жойларга етказилади.

Ҳозирги кунда жадвал асосида "Таълим-савдо" ташкилоти 9-синф дарсликларини жойларга етказиб бермоқда.

2002 йилда жами 17 номда 9-синфлар учун, 6 номда 7-8 синфлар учун, 12 номда 1-4 синфлар учун, жами 35 номда янги дарсликлар яратилди. Шуни таъкидлаш жоизки, таълим тўғлиқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 1-9 синф ўқувчилари учун барча дарсликлар яратилиб чоп этилди (фақатгина 8-9 синфлар учун Француз тили дарслиги ҳозирги кунда яратилмоқда).

Ўтган йиллари баъзи дарсликлар тез-тез алмашиб, унинг ўрнига бошқа муаллифларнинг дарсликлари чоп этиш тавсия этилган эди. Ҳозирда бу ишларга чек қўйилган. Дарсликларнинг янги авлодини яратишда вазирликнинг сиёсати тубдан ўзгарган, яъни дарсликларни фақат таниов асосида яратиш йўлга қўйилди. Нашриётлараро танлов ўтказилиб, танлов натижасида дарсликлар нашр этиш сифатини маълум даражада такомиллаштиришга эришилди. Мазкур дарсликлар мазмуни, таълим усули, дизайни, қоғознинг сифати жиҳатдан авлоднларидан фарқ қилади. Улар халқаро нашрларга ва босма меъёрларга жавоб беради.

Гўзал Тугеева, ОБ лойиҳаси менежери:

—Умумтаълим мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш халқ таълими тизимининг энг катта муаммоларидан бўлиб келмоқда. Халқ таълими вазирлиги мазкур муаммони ҳал этиш бўйича бир неча чора-тадбирларни кўрмоқда. Шу жумладан, Халқ таълими вазирлиги Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб келинаётган "Умумтаълим мактаб дарслик ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси бўйича ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини қўллаш таклифини қабул қилди ва 2001-2002 ўқув йилида мазкур тизимни 575 мактабда синаб кўрди. Тажриба-синов муваффақиятли ўтди деб ҳисоблаймиз, чунки мазкур тизимни ассорият ота-оналар ва мактаб маъмурияти қўллаб-қувватладилар.

Халқ таълими вазирлиги мутахассиси тажриба-синов натижаларини диққат билан ўрганишиб ўз имкониятларини инобатга олган ҳолда янги ўқув йилидан бошлаб дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини республика кўламида қўлланишига қарор қилдилар. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимига республикамизнинг таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг 72 фоизи ва Қорақалпоғистоннинг таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг 100 фоизи киритилди. Биз аввалги чиқишларимизда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун чиқарилган ижара дарсликларининг нархи ҳам аниқ бўлди. Унга кўра, 10 номдаги ва 9-синф дарсликлари 3250 сўм, чет тилисиз 9 номдаги дарсликлар тўплами эса 2900 сўм қилиб белгиланди. Ижара усули 150 туманнинг 6629 мактабларида ўтказилади ва бу 9-синфларнинг 14 номи ўқувчисини 10 номдаги дарсликлар билан ижара усулида таъминлаш имконини беради.

Умуман айтганда, дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини жорий этиш учун: биринчидан дарсликларнинг сифати юқори бўлиши зарур, чунки дарслик тўрт йил ишлатилади; иккинчидан ижара тизимининг мактабларда бошқариш тизими қулай бўлиши зарур; учинчидан мактабларнинг махсус ҳисоб-рақамида тўпланган маблағлар ўз қийматини йўқотмай, тўрт йилдан сўнг ҳисобидан чиқарилган дарсликлар ўрнига янги дарсликлар сотиб олиш қурбига эга бўлиши зарурдир.

Ижара тизимига 9-синфнинг 10 номдаги дарслиги киритилган. Ҳозирги кунда уларнинг 80 фоизи нашр этилиб, мактабларга етказиб берилмоқда.

Ижара тизимига киритилган дарсликлар танлов асосида танлаб олинди. Халқ таълими вазирлигида ўтказилган дарсликларни яратиш ва ҳарид этиш танловда биринчи маротаба нашриёт билан муаллиф ҳамкорликда қатнашди. Шунинг учун экспертларнинг дарсликларни баҳолашда фақат мазмунига эмас, унинг тузилишига, безалишига ҳам баҳо бериш имкони яратилди.

Танлаб олинган дарсликларнинг матбаа сифати хорижда нашр этилган дарсликлардан қолишмайди. Лекин танлов натижалари муҳокама этилганида, ҳали ҳам дарсликларни нашр этувчи айрим нашриётларнинг дарсликларни чоп қилиш бўйича тажрибаси етишмаслиги маълум бўлди. Демак нашриётларимиз ана шу жиҳат бўйича ўз мутахассисларининг малака ва маҳоратини оширишлари зарур бўлади.

Албатта анжуманда таъкидланганидек, дарсликлар сифати, унинг ҳар жиҳатдан замон талабларига жавоб бериши таълим самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Ушбу масала эса соҳа ходимларининг олдида турган долзарб вазифаларидан биридир. Бугун мазкур муаммо ечимига доир дастлабки қадамлар қўйилди. Унинг келгуси ривожи эса, анжуманда соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилган. Фикр мулоҳазаларнинг ҳаётда қанчалик акс этишига боғлиқ.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ, "Маърифат" мухбири.

Жамшид ШАРИПОВ олган суратлар.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА — ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

2002—2003 ўқув йилидан 9-синфлар учун янги дарсликлар янги авлодда чоп этилди. Бу дарсликлардан 10 номдагиси ижара тизимида республикамиздаги барча мактабларга тарқатилиши эса катта ижобий воқеадир.

Куни кеча пойтахтимиздаги 70-мактабда шаҳар она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда ТШПХҚТМОИ кабинет мудири Ф.Муҳамедова малака ошириш курсларидаги янгиликлар, олимпиада натижалари, ДТМнинг таҳлилий хулосалари ҳақида батафсил тўхталди. Анжуман янги "Она тили", "Ўзбек адабиёти" дарсликлари тақдимоти билан боғлиқ ҳолда ўтди. Жумладан, она тили дарслиги муаллифларидан бири М.Абдураимова янги дарсликлар моҳиятига атрофлича тўхталди.

Ушбу дарсликлар хусусида "Ўзбек адабиёти" дарслиги муаллифлари — профессорлар Б.Қосимов, У.Норматов, Қ.Йўлдошев, ЎзПФИТИ илмий ходими Р.Йўлдошев, амалиётчи ўқитувчилар — Т.Зиёдова, Д.Ганиева, РТМ ходими Н.Ғуломовалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Taqdimot

— Адабиёт дарсликлари танлов талабларига кўра кичик ҳажмда яратилди. Мажмуа ва дарслик битта китоб қилиб чиқарилди. Ютуғи шундаки, дарслик "Ўқитувчи китоби" билан бирга тарқатилмоқда.

Семинар якунида иштирокчилар мактабдаги намунавий фан кабинетлари билан танишдилар, янги чоп этилган дарс режалари билан таъминландилар.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

* * *

Француз тилининг жозибадорлигига кўпчилик мафтун. Бу тилда жаранглайдиган каломлар Ўзбекистон халқига ҳам хуш ёқади. Французчада эркин муомала қила оладиган фуқаролар юртимизда кўплаб топилиши мумкин. Албатта, бунда улар ўқиган мактабларнинг хизматлари катта.

Пойтахтимизда ҳам француз тили ўргатилаётган таълим муассасалари анчагина. Ихтисослашган мактаб эса ягона бўлиб, у Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган.

Яқинда ана шу 51-мактабда француз тили ўқитувчиларининг шаҳар кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш 5, 6, 7-синфлар учун яратилган янги ўқув қўлланмалари тақдимотига уланиб кетди.

Янги ўқув дастурларининг муаллифлари — республика Таълим маркази Ғарбий Европа тиллари бўлими ходими А.Носиров, ЎзДЖТУ чет тиллар ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси З.Абдушукурова, Акмал Икромов туманидаги 44-мактаб олий тоифали ўқитувчиси В.Букинлар сўзга чиқишиб, уни яратишдаги боғлиқликларга тўхталишди.

Сўнгра янги дарсликларга оид қизғин муҳокамалар бошланди. Ҳар қандай янгилик ҳам кўпчилик томонидан бир хил қабул қилинмайди. Бу дастурлар қизғин қўллаб-қувватланиши билан бирга танқидий фикрлар ҳам билдирилди. Янги дарсликлар муҳокамасидан сўнг 51-махсус мактабнинг бир қатор тажрибали ўқитувчилари — С.Караева, О.Ваҳобова, Н.Қосимовалар француз тилини ўқитишнинг илғор методикалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кенгаш иштирокчилари янги ўқув йилида француз тилини ўқитишнинг ноанъанавий усулларини қўллашга келишиб олдилар.

Розия ҚЎЧҚОРОВА, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

С.Раҳимов тумани маорифчилари тинмай меҳнат қилиб, изланиб, шаҳарда 2-ўринга чиқиб олганлари барчани тўлқинлантириб юборди.

O'qituvchilarning avgust kengashlari

ОЛДИНДА УЛКАН ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими ходимларининг август кенгашлари ҳам ўзгача кайфият, ўзгача руҳда бўлиб ўтди. Авиасозлар маданият саройида ўтказилган мазкур кенгаш ўқувчилар-у, ўқитувчилар билан гавжум бўлди. Дастлаб китоблар, болалар ижодиёти савдо кўргазмаси ташкил этилиб, тобора кўркамлашиб бораётган юртимиз ҳақидаги куй-қўшиқлар янгради. Анжуманда иштирок этган Ҳамза туман ҳокими ўринбосари Ш.Жавлонов анжуман иштирокчиларини мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги билан қутлаб, туман ҳокимининг ўқитувчиларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг Ҳамза тумани халқ таълими бўлими мудири Й.Маҳмудов ""Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"-нинг II босқичини рўёбга чиқаришда маънавий баркамол шахсни тайёрлаш мақсадида илғор педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этишда халқ таълими ходимларининг вазифалари" мавзусида маъруза қилди. Хусусан, у II босқичда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, икки сменада таълим берилаётган мактаблар сонини камайтириш, авария ҳолатидаги мактаблар, боғчалар реконструкциясини, қурилиши тўхтатилган объектлар қурилишини охирига етказиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларни аниқлашда фан олимпиадалари муҳим ўрин тутади. 2001—2002 ўқув йилида тумандан 14 нафар ўқувчи шаҳар олимпиадасида иштирок этдилар. 161-мактабнинг ўқувчиси Мария Гумашвили рус тили, 145-мактаб ўқувчиси Александр Ким физика, кўзи ожиз болалар мактаб-интернати ўқувчиси Андрей Ким математика фанларидан республикада шарафли 1-ўринларни эгаллаганликлари туман халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишларнинг намунали самарасидир.

Афсусланарлиси, таълим муассасаларида ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудки, уларга бефарқлик билан қараб бўлмайди. Яъни вояга етмаганлар ўртасида содир этилган қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг икки йиллик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2000—2001 йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 42 тани ташкил этса, улардан 35 нафари ўқувчилардир. 2001—2002 йил давомида қайд этилган 101 та қонунбузарлик ва жиноятларнинг 95 таси ҳам ўқувчилар томонидан содир этилган. 2001 йилга нисбатан 2002 йилда болалар ўртасидаги жиноятчилик 61 фоизга ошган. Қисқаси, туман халқ таълими ходимлари бу борада жиддий иш олиб боришлари зарур. Ёшларни жиноятчилик, қонунбузарлик, гиёҳвандлик каби иллатлар тажовузидан асраш, бу борада педагогик жамоалар атрофида ота-оналарни, маҳаллаларни, жамоат, оталиқ ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларини жипслаштириш лозимдир.

Анжуман сўнггида мактабгача таълим муасасаларида ноанъанавий хизмат кўрсатишнинг турлари, янгиланаётган таълим тизимига киритилган янги фанларнинг ўқитилиши ва ўқитиш жараёнидаги асосий вазифалар, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий шаклланишида мактаб—оила—маҳалла ҳамкорлиги тўғрисида ҳамда галдаги вазифалар белгиланиб, фикрлар алмашилди.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ЮТУҚЛАР – КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БАҒИШЛАЙДИ

Пойтахтдаги Собир Раҳимов тумани халқ таълими ходимларининг август анжумани ҳокимият биносида бўлиб ўтди. Унда ШХТББ бошлиғи И.Зокиров, А.Авлоний номидаги РПХҚТМОМИ ректори Ж.Йўлдошев, ТШПХҚТМОИ ректори Ҳ.Йўлдошев, туман ҳокими А.Жалилов, туман ХТБ мудири А.Раҳматуллаевлар сўзга чиқиб, миллий дастур II босқичи вазифаларини амалга оширишда раҳбар ва устозларнинг роли алоҳида эканини, ижара тизими туманда тажрибадан муваффақиятли ўтганини, 191-мактаб Япония элчихонаси томонидан ўқув жиҳозлари, компьютер билан таъминланганини фахрланиб сўзладилар.

Мунозарада 46-мактаб директори М.Ёрмуҳамедова, 102-мактаб-интернат директори Н.Исҳоқовалар сўзга чиқиб, ўқувчилар онгида миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш ҳақида тўхталиб ўтдилар.

С.Раҳимов тумани маорифчилари тинмай меҳнат қилиб, изланиб, шаҳарда 2-ўринга чиқиб олганлари барчани тўлқинлантириб юборди. Аъло кайфият, кўтаринки руҳ билан иш бошлаш эса яна янги ютуқлар калити бўлиши, шубҳасиздир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

БУЛУНҒУРДАГИ АНЖУМАН

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МУАММОЛАР МАВЖУДЛИГИНИ КЎРСАТДИ

Самарқанд вилояти туманларида ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари қизғин ўтмоқда. Яқинда бўлиб ўтган булунғурлик халқ таълими ходимларининг йиғилиши ўқитувчи ва мураббийларни янги ўқув йилини кўтаринки кайфият билан бошлашларига асос бўлади, десак янглишмаймиз.

Анжуманда илғор педагоглар, устоз-муаллимлар, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбарлари билан бир қаторда бу йил ўқув юртларини битириб, эндигина иш бошлаётган ёш педагоглар ҳам қатнашдилар.

Туман халқ таълими бўлими мудири О.Тожибоев анжуманда ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар, янги ўқув йилида амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳақида маъруза қилди.

— Кейинги икки йил ичида Булунғур туманидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари биноларини таъмирлашга жуда катта эътибор берилди. Мақсадимиз, ўқувчиларга озода, шинам биноларда таълим бериш, таълим сифатини яхшилашдан иборатдир.

Ўқувчиларни дарслик китоблари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ишга бир қанча мактаблар бутун жамоаси билан киришган бўлсалар, тумандаги 10, 12, 14, 21, 24, 25, 28, 40, 45, 59-мактабларда ўқувчиларнинг дарслик китоблари билан таъминланиши ўта паст даражада бўлди. Бу эса ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатди.

Туман таълим муассасаларида кўплаб тажрибали, фидойи ўқитувчи, мураббийлар фаолият кўрсатаётганлиги, уларнинг янги педагогик технологиялар асосида иш олиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Ўтган ўқув йилида 5, 18, 20, 23, 30, 40, 42, 51-мактабларнинг тажрибали ўқитувчилари иш услуби туман миқёсида оммалаштирилди.

Бироқ туманда барча ишлар имкониятлар даражасида амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Мисол учун мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш ва қамраш даражаси кўнгилдагидек эмас. 31 та мактабгача таълим муассасасида 1718 нафар кичкинтойлар тарбияланмоқда. Бу йил биринчи синфга қабул қилинаётган 3337 нафар ўқувчиларнинг ярмидан кўпи мактабга тайёр бўлмаган ҳолда келмоқда. Бу ҳол болаларнинг 1-синфда ўзлаштиришларини қийинлаштириши ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг янги ўқув йилида тузатишимиз лозим бўлган биринчи галдаги муаммоларимиз шулардан иборатдир.

Анжуманда туман ҳокими Х.Боймуродов, таълим соҳаси бўйича вилоят вакиллар кенгаши раиси И.Раупов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Ғофуровлар сўзга чиқиб, Булунғурда олиб борилаётган ишларга баҳо беришди ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, анжуманда бу йил олий ўқув юртини битириб келган ёш педагогларнинг устозлари олдида ўз касбига содиқ қолиши, Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги масъулиятни шараф деб билиб, доимо ўз бурчини оқлаш учун берган тантанали қасамёди барча иштирокчиларни тўлқинлантириб юборди.

Анжуман ниҳоясида ўтган ўқув йилида яхши натижалар кўрсатган ўқитувчи ва мураббийларнинг 65 нафари вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги ва туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Н.ШЕРБОЕВА

БАҲСЛАР БИЛАН ЎТГАН КЕНГАШЛАР

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг II босқичини амалга ошириш ҳар бир ўқитувчидан қатъий масъулият билан ишлашни талаб этади. Янги ўқув йили олдидан ўтказилаётган ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида асосий эътибор ана шунга қаратилмоқда. Жиззахда бўлиб ўтган вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорликда ўтказган фан ўқитувчиларининг анъанавий педагогик ўқишлари ўзаро баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Анжуманда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида педагог ходимлар олдида турган вазифалар ҳақида Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Мирзабеков маъруза қилди. Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар ўзларини ўйлантираётган муаммолар, вазифалар ҳақида сўз юритдилар. Бундай баҳсларда асосий эътибор янги педагогик технологияни кенгроқ жорий этишга қаратилди. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ноанъанавий дарсларга кўпроқ ўрин бериш кераклиги ҳақида фойдали таклифлар ўртага ташланди.

Вилоятда янги ўқув йилига ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик кўрилганлигини алоҳида айтиб ўтиш ўринлидир. Мавжуд 531 та умумтаълим мактаблари янги ўқув йилида 255 минг ўқувчини ўз бағрига олади.

А.СОДИҚОВ

* * *

Бектемир туманида ҳам август кенгаши бўлиб ўтди. ТХТБ мудири Ш.Шоаҳмедов ютуқлар қаторида камчиликларни ҳам таҳлил қилиб, янги ўқув йилида танқидий фикрларга ижобий ёндашиш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

293-мактаб директори, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ш.Баёнованинг "Мактабда ДТС талабларининг бажарилиш аҳволи" ҳамда "9-синфларда она тили фанидан ДТС талабларининг жорий этилиши" бўйича интерфаол методда ўтказган машғулоти анжуман иштирокчиларига манзур бўлди. Шунингдек, туман прокурори Б.Абдусаломов, ҳоким муовини А.Алимов, маҳалла оқсоқоли ва ҳомий ташкилот вакилларининг фикрлари ҳам тингланди.

Анжуманда фахрий ўқитувчиларга алоҳида эътибор берилиб, моддий рағбатлантирилгани илғор устозларга фахрий ёрлиқлар топширилгани айни муддао бўлди.

Р.ТОХТИЕВА

* * *

Тошкент туманидаги 4-ўрта мактабда ўтказилган туман ўқитувчиларининг август анжуманида ҳам келажакдаги вазифалар белгилаб олинди. Асосийси, ХТБ мудири Э.Йўлдошев, туман ҳокими Б.Алиевлар устозларни қўшалоқ байрам билан самимий қутладилар.

— "Умид ниҳоллари", "Қувноқ стартлар" спорт мусобақаларида, олимпиада, кўрик-танловларда юқори кўрсаткичларга эришдик, — дейди Э.Йўлдошев. — Бунда халқ таълими ходимларининг ҳиссаси катта. Бу йил ҳам ёш кадрлар ишга олинди, аминманки, улар тажрибали ўқитувчилардан иш ўрганиб, маориф равнақи учун ҳисса қўшадилар.

Анжуман сўнгида касаба уюшмаси раиси Ш.Тўлаганов илғор ўқитувчиларга совғалар топширди.

Н.РАҲМАТОВА

ХОТИРА МУҚАДДАС



Ғамгин хотирамни қитиқлаб бугун
Ёрқин ҳиссиётга бўлдингиз сабаб.
Руҳингиз бошимда учар туну кун
Ҳар бир эзгу ишда сиз менга мадад,
Хотира муқаддас, хотира абад.

Пучмоқ бу тарихнинг қаърига кетган
Не бир алломалар, не бир ботирлар.
Уларнинг ҳар бири муҳрлаб битган
Халқим юрагига ўчмас хотирлар.
Хотира муқаддас, хотира абад.

Аслида Широқнинг қабрига бир кун
Зардўшт оловини ёққан ўзи мен.
Муқаддас шу олов беради учқун,
Бугун шу оловдан нурланар замин.
Хотира муқаддас, хотира абад.

Доронинг босқини завол қилганда,
Номингни муаррих битиб кетмади.
Қайсидир очофат яна келганда,
Ватан ҳурматига ақли етмади.
Хотира муқаддас, хотира абад.

Босқинчи ўқига чап берган эпчил
Сибирь сургунида Сирни ўйладинг.
Миллат ва юртингдан деганда кечгил,
Ватан номин, такрор айтиб тўймадинг.
Хотира муқаддас, хотира абад.

Султон суягини хор қилмаган ҳеч,
Ҳар бир қатра қонда келтирдик нишон.
Эзгу иш вақтини топар эрта-кеч,
Сиз билан бугун кун Ватан нурафшон.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

31 avgust — Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni



ЧЎЛПОН ИЖОДИДА МАОРИФ МАВЗУИ

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ижодий фаолияти серқиррадир. Унинг публицистикасида ҳам бадиий асарларида бўлганидек, даврнинг муҳим ва долзарб масалалари акс этади. Буни Чўлпоннинг маориф масалаларига бағишланган турли жанрдаги чиқишларида кўришимиз мумкин.

Чўлпоннинг бу мавзудаги илк хабари "Садои Фарғона" газетасининг 1915 йил 15 февраль сонида "Мадрасаларимизнинг аҳволи" сарлавҳаси остида чоп этилган.

Чўлпон ўз публицистикасида эски мактаб ва мадрасалардаги ўқитиш тизимининг қолоқлиги, мадрасалардаги муллаваччалар орасидаги ахлоқсизликни кўрсатиш билангина чекланмаган. Оташин публицист Туркистон халқларининг мустабидлик занжирига тушиб қолишига сабаб уларнинг жаҳолат ботқоғига ботиб қолганликларидадир, деб ҳисоблайди. Ўлкада гарчи эски мактаб ва мадрасалар етарли бўлсада, уларда ёшларга ҳаётда асқотадиган етарли билимлар берилмасди. Аксари диний илмлардан иборат бўлиб, дунёвий илмлар ниҳоятда кам ўқитилар, ўқитиладигани ҳам замона тараққиётидан ниҳоятда орқада қолган эди. Шунинг учун миллатпарвар, тараққийпарвар бўлган Чўлпон янги, замонавий мактабларни, умуман замонавий ўқув муассасаларини кўпайтириш, уларнинг фаолиятини яхшилаш масалаларини кузатиб боради. Бу борада бирон камчилик ёки нуқсон сезса, муросасиз танқид қилди, камчилик ва нуқсонларни тугатиш йўлларини излайди, бунга жамоатчиликнинг, мутасаддиларнинг эътиборини жалб этади.

Чўлпоннинг "Истиқбол учун кураш" сарлавҳали мақоласи ўзбек ёшларининг хорижга бориб ўқишларига бағишланган. "Қизил Байроқ" газетасининг 1922 йил 2 сентябрь сонида эълон қилинган бу мақоласига туртки берган нарса мазкур газетада бир ўзбек қизининг Европага бориб билим олиш учун отланаётгани ҳақидаги хабар бўлган. Публицист мана шу фактдан зўр ижтимоий хулоса чиқаради ва асосий эътиборни кейинги пайтларда ўзбек ёшларининг узоқ элларга бориб билим орттириб келаётганига қаратади. Бу фактни публицист катта сиёсий ҳодиса билан боғлайди. У ёзади: "Чор ҳукумати вақтида ички Русия мусулмонларини чўқинтирмоқ ишида Рустами Зол бўлғон бизнинг маълум Остроумуф тўрамизнинг устоди саналғон машҳур Илминский чўқинтириш сиёсатининг бири бўлғон машҳур Победоноссефга (машҳур миссионер, маҳаллий аҳолини режалаштириш ғоясининг муаллифлардан. — С.Й.) ёзган хатида "Ерлик халқ орасидан бизнинг учун фойдалик ва ҳеч бўлмағонда зарарсиз кишилар ўрусча тилни тутулиб, уялиб гапиратурғон, ўрусча ёзғонда бир мунча хато билан ёзатурғон, бизнинг губернатуримиздан эмас, ҳатто устол бошлиғи (мирзо)миздан ҳам қўрқатурғон кишилардир", деган эди".

Публицист энди ёшларимизнинг узоқ хориж мамлакатларига бориб ўқишлари мустабидлик сиёсатини парчалайдиган ҳодисадир, деган хулосага келади: "Мунга қарши биз рус тили билан эмас, ҳатто, Оврупо маданий миллатларининг тили ва билими билан жавоб берсак, одам қатори яшамоққа албатта ҳақ қозонармиз...

Ўзбек қизининг Ғарбга, Ғарбнинг чин билим, чин маданиятига қараб юруши унинг ҳақ-ҳуқуқини бутун элнинг ҳақ-ҳуқуқи билан бирга, тез ва тез фурсатда қўлга киритгусидир".

Бу билан Чўлпон болшевиклар мустабидлигидан халқни, миллатни билим қутқаради, демоқда эди.

Чўлпоннинг халқ миллат учун хизмат қиладиган ҳар битта ёш учун қайғуриши, уларга ғамхўрлик кўрсатиши миллатнинг эрки, озодлик кураши билан боғланади. Шу боис ёшларимиз орасидан йўқотиш бўлса, у изтироб чекади, қайғуради. Буни унинг "Икки йўқотиш" мақоласи исботлаб турибди.

"Қизил Байроқ" газетасининг 1922 йил 6 июль сонида босилган мазкур мақолада миллий-озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчилари бўлган, аммо вафот этиб кетган ёки ўлдирилган миллат фарзандлари эсланади. Булар орасидан Аъламов, Исмоилзода, Султонов, Собир Ғафур, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Муфтизода Абдураҳмон ва Азимжонларни публицист "садаф доналарининг имоми" деб атайди.

Чўлпоннинг "Ҳаёт-мамот масаламиз устида" сарлавҳали мақоласи "Туркистон" газетасининг 1922 йил 29 октябрь сонида босилган. У ҳам маориф мавзуига бағишланган. Лекин ушбу мақоланинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда эндигина ҳокимиятни эгаллаган шўролар ҳокимиятида расмиятчилик илдиз отаётганини танқид остига олган. Мақолада ёзилишича, Хўжандда давлат бюджети ҳисобидан 8 мактаб сақлашга рухсат берилган. Хўжанд маориф шўъбаси эса ўзи ҳаракат қилиб 14 мактаб сақлаган. Улардан иккитаси қизлар мактаби бўлган. "Хўжанд маориф шўъбаси турли йўллар билан пул топиб, муаллимларга тарифа (тариф) бўйинчагина ойлик бермасдан, улар билан алоҳида муоҳада (договор) ясаб, уларни бир қадар таъмин қилиб келган".

Лекин ишнинг яхши бориши, муваффақиятидан кўра расмий томонини ўйлаган ҳукумат Хўжанд маорифи шўъбасини жазолаган. "Хўжанд маориф шўъбасининг бу ҳаракатини бизнинг ўлка маориф комиссарлигимиз ўзбошимчалик, режадан чиқишлик деб топиб, унга қойиш (порицание) эълон қилган".

Публицист шу ўринда маориф комиссарлигининг бу ишини шундай баҳолайди: "Бу муомала Хўжанд маориф шўъбасида ўлтуриб, оз-да бўлса ишламак истаган кишиларга "Ишлама, барибир, сени ишлаткани қўймаймиз!" демак эмасми...

Дуруст, Хўжанд маориф шўъбаси ўз бошича муоҳада боғлағон, ўз билганича иш қилғон. Ҳар ҳолда, керак ва лозим бўлғон расмиятни бузғон. Лекин мактаблар тури бўйича ҳиссасига тушкан мактабнинг яримёртиси учун ҳам қанча вақтлардан бери таъминот ололмай келган маориф шўъбалари бор, кўп бор. Ана буларга қарши расмиятни бузғон маориф комиссарлигининг ўзи эмасми? Хўжандда 8 мактаб ўрнига 14 мактаб бўлғон экан, бир мактабга эга бўла олмаған жойлар ҳам бор".

Чўлпон ўша йилларда Туркистон халқлари учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган маориф соҳасидаги ўқитувчилар тирикчилик оғирлигидан кетиб қолишга мажбур бўлаётганини айтиб, шундай бир пайтда Маориф комиссарлиги расмиятчилик юзасидан шу тарзда иш кўргани учун унга яна бир карра қойиш беради: "Шундай бир аҳвол ичида ҳам Оврупо расмиятининг энг бачкана, энг арзимас бир боби учун шундай муомала қилмоқ тўғрими?".

Чўлпоннинг XX асрнинг 20-йиллари "Туркистон", "Фарғона" газеталарида эълон қилинган қатор мақола ва шарҳларида халқ маорифининг у ёки бу муҳим масаласига жамоатчилик эътибори қаратилган. Бу публицист Чўлпоннинг маорифпарвар бўлганидан, бу соҳанинг ривожи учун жон куйдирганидан далолат беради.

Саида ЙЎЛДОШБЕКОВА,
ЎзМУ тадқиқотчиси

Ўқув юртимизда илмий-услубий ишларни кафедралар ёрдамида бошқариш йўлга қўйилган. Бу усулнинг афзалликлари кўп.

Тинимсиз изланишлар самараси

Мамлакатимиз мустақиликка эришгач, унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони — ёшларни илм-маърифат зиёси орқали касб-ҳунарга йўналтиришдир.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида барпо этилган Навоий техника коллежида айни пайтда 2070 нафар ёш йигит-қизлар касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишмоқда. Айтиш жоизки, вилоятдаги хомашё заҳираларининг мавжудлиги, уларни қайта ишлаб халқимизга етказиб бериш ва бу борада изланувчан, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш бош мақсадимиз ҳисобланади.

Шу боис, коллежимиз мавжуд иқтисод ва техника бўлимларида 6 та ихтисослик бўйича ДТС талабларига жавоб берадиган ўқув режаси асосида кичик мутахассис кадрлар тайёрламоқда.

Ҳозирги кунда коллежимизда 50 та ўқув хонаси, 10 та лаборатория ва битта компьютер синфи мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, коллежда Навоий шаҳридаги йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу алоқаларнинг самараси шундаки, билим даргоҳида камол топаётган ёшларнинг техника ҳамда унинг тараққиётига бўлган қизиқишлари янада ортмоқда.

Дарҳақиқат, ўқув ва амалиёт машғулотлари кундузги ва сиртқи бўлимларда ўқув режасига мувофиқ, меъёрий ҳужжатлар асосида қаттиқ назорат остида олиб бориляпти. Барча кафедра ўқитувчилари талабаларнинг билим савияси, касбий кўникма ва малакаларини ошириш устида жиддий ишламоқда.

Коллеж бағрида касб-ҳунардан сабоқ олаётган ёшларга 85 нафар педагог ва педагог-муҳандис пухта билим бериб, уларнинг ахлоқ-одоб фазилатларини уйғун шакллантиришда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу ўринда А.Чангбоев, М.Жўраева, Г.Эшниёзов, А.Рустамов, А.Аслонов, Х.Ғаффоровларнинг намунали меҳнатини эътироф этиш керак.

Айниқса, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилиб, бу масаланинг илмий педагогик кенгаш йиғилишларида атрофлича таҳлил этилиши ўз мевасини бермоқда. Кўзда тутилган асосий мақсад — таълим ислоҳотини янада чуқурлаштириш ҳамда давр талабига кўра ҳар бир педагог ва муҳандис-педагог ўз масъулиятини ошириб, талабаларга билимларни янги педагогик технологиялар асосида бериб, амалиётда касбий малакаларни ошириш ишлари ва тажриба эгаллашларига кўмаклашиш вазифаси қўйилган.

Шу боис, ўтган ўқув йилида талабаларнинг билимга чанқоқлиги фаоллашганлиги сезилди. Чунки, янги педагогик технология бўйича ўқитишнинг ҳамда амалиёт машғулотларининг янги усулларидан самарали фойдаланишнинг имконияти яратилди.

Бундан ташқари, коллежда илмий-услубий ишларга ўқувчиларни жалб этиб, уларнинг фаоллигини оширишга эътибор қаратилган. Масалан, 2001-2002 ўқув йилида ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш мақсадида "Иқтидорли талаба", "Энг яхши ўқув хонаси", "Энг яхши ўқитувчи" танловлари ташкил қилиниб, уларнинг ғолиблари рағбатлантирилди. Шунингдек, коллеж услубий кенгашининг йиғилишларида умумтаълим ва ихтисослик фанлари дарсликлари билан таъминлаш, ўқув амалиёти ишларига доир ўқув-услубий методик қўлланмалар, ахборот технологиясидан фойдаланиш бўйича маъруза матнлари тайёрланди. Талабаларинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кутубхона фондидаги ўн мингга яқин нусхадаги турли соҳага оид китоблар улар ихтиёрига берилган. Кутубхона қошида "Китобсеварлар" тўгараги иши ҳам кенг йўлга қўйилиб, турли мавзуларга бағишланган китоб кўргазмалари ўтказилиб турилади. Бизни қувонтирадиган ютуқларимиздан бири шуки — 2001-2002 ўқув йилида коллежимизнинг кундузги бўлимини 511 нафар, сиртқи бўлимини 200 нафар талаба муваффақиятли тугатиб, уларнинг барчаси бугунги кунда деҳқон фермер ва хусусий фирмаларда ҳамда Навоий шаҳридаги "Қизилқумцемент", "Навоиазот" каби йирик саноат корхоналарида иш фаолиятини бошлашмоқда.

Коллежнинг маънавият ва маърифат бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда кутубхона ходимлари ҳамкорлигида талабаларнинг тафаккурини шакллантириш, мустаҳкам билим олишлари ва қизиққан касбини пухта эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида йил давомида турли мавзуларда қизиқарли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб турилади. Айниқса, "Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари", "Диний экстремизм ва ақидапарастлик" мавзуларида ўтказилган тадбирлар ёшларимизнинг турли нобоп кўчаларга кириб кетишидан асраб қолишга сабаб бўлаётир, дейиш мумкин. Энг муҳими, ахлоқий қадриятлар улуғ хислат эканлигини уларга уқтириш мақсадида коллеж қошида ташкил этилган "Ёш солиқчи", "Ёш техник", "Ёш математик", "Иқтисодчи", "Компьютер саводхони" ҳамда спортнинг олти тури бўйича фаолият кўрсатаётган ўнлаб тўгаракларда талабалар фаол иштирок этмоқдалар. 2001 йилда Жиззах шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида волейболчиларимиз жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Kasb-hunar kollejlarida

Коллежнинг илмий педагогик кенгаши режаси бўйича тўққиз нафар ёш ўқитувчи кадрларимиз турли соҳалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётганлиги билим даргоҳимиз нуфузини янада оширмоқда. Уларнинг илмий ишига тажрибали йирик фан докторлари ва фан номзодлари раҳбарлик қилишмоқда. М.Шамсиев, А.Аслонов, Г.Эшниёзов, Ш.Деҳқонов, Т.Эрдонов, С.Тошовларнинг илмий тадқиқот ишлари тугалланиб, ҳимоя қилиниш арафасидадир.

Дарвоқе, бу йил 475 нафар ёшлар талабаликка қабул қилинди. Шулардан 325 нафари 9-синфни, 150 нафари эса 11-синфни тугатганлардир. Янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаш учун шай турган коллеж педагогик жамоаси ва талабалар руҳиятида кучли эҳтирос сезиш мумкин. Ўқув ва лаборатория хоналари янги кўргазмалар, жиҳозлар билан тўлдирилди.

Олис ҳудудлардан ўқишга келган 100 нафар талабаларимизга барча қулайликларга эга замонавий ётоқхона муҳайё. Ётоқхона, дам олиш хонаси, маиший хизмат кўрсатиш хоналари телевизор ва янги замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Бир сўз билан айтганда, коллежимиз педагогик жамоаси ёшлар қалбида эзгулик, ватанга муҳаббат ва эътиқод ҳиссини уйғотиб, уларга чуқур билим бериш учун ўз устида тинимсиз ишлаётганлиги бизни қувонтиради. Ана шундай аҳил жамоанинг машаққатли саъй-ҳаракатлари ўлароқ, эртанги келажагимизнинг ёруғ юлдузлари бўлиб порлайдиган ёшлар қалби илм-маърифат зиёси билан суғорилажак. Бу йўлда эса сарфланадиган беғараз куч-ғайратимизни аямаймиз.

Б.МУҲИДДИНОВ,
Навоий техника коллежи директори, кимё фанлари доктори, профессор

Иқтисодий тафаккурни қандай шакллантирамиз?

Коллежимизнинг иқтисод бўлимида таҳсил олаётган 700 нафар талаба касб маҳоратини ошириш ва илм пойдеворини мустаҳкамлаш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда.

Уларга мазкур фаннинг сирасрорларини ўргатишда 26 нафар педагог-муҳандис астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Педагог-муҳандисларимиз таълим-тарбия мазмунини тўғри йўлга қўйганлиги туфайли талабаларимизнинг билим даражаси юқори бўлмоқда. Шу боис, улар орасида иқтисод бўйича илмий тўгарак аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Шуни алоҳида айтиш лозимки, бу йил "Қарияларни қадрлаш йилида" бўлим талабалари ўзлари яшаётган манзилларда истиқомат қилаётган нуроний кексаларнинг ҳафталик, ойлик сарф-харажатларини компьютер орқали ҳисоблаб ва таҳлил қилиб беришиб, ўз тажриба ва маҳоратларини ошираётганлиги аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, касб-ҳунар эгаллаётган ёшларга таълим тизимига мувофиқ янги илғор педагогик-технологиялар асосида чуқур билим бериб, уларнинг интеллектуал қобилиятларини шакллантиришда М.Комилов, Ш.Қодирова, И.Нажмиддинов, Г.Эшниёзов каби тажрибали ўқитувчилар жонбозлик кўрсатмоқда. Дарслар ўқув режа, ДТС асосида аниқ, иқтисодиёт фанлари бўйича педагогика ва дидактиканинг тамойиллари асосида соддадан мураккабга йўналтирилган тарзда олиб борилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, талабаларнинг мазкур фан бўйича мустақил фикрлаш қобилияти шакллантирилмоқда. Бундан ташқари, малакали ўқитувчилар томонидан очиқ дарслар ўтказиб турилади.

Хуллас, талабаларимизга имкон қадар мазкур фаннинг сирсиноатлари ҳақида тушунча бермоқдамиз. Ўйлаймизки, эртага улардан халқимиз орзу қилган малакали кадрлар, касб сирларини мукаммал эгаллаган мутахассислар чиқади. Орзулари ойдан ёруғ бу ёшларнинг бекаму кўст камол топиши, доно бўлиб улғайишига қўлимиздан келганича уринамиз.

Б.ШАРИПОВ,
Иқтисод бўлими бошлиғи

Кафедралар таълимни бошқаради

Кейинги йилларда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқич вазифаларини амалга ошириш ва уни намунали таълим тизимига айлантириш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тизим таълим-тарбия жараёнига янгича шакл ва услублар дадил жорий этилмоқда.

Республикамиздаги таълим муассасалари қаторида бизнинг коллежимизда ҳам талабаларимиз янги ўқув режа ва дастурлар асосида билим олиб, танланган касб ва мутахассисликлари бўйича кўникмаларини мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Таълим жараёнига давлат таълим стандартларини, илғор педагогик технологияларни жорий этиш, педагог ва муҳандис-педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, таълим муассасасининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ишлари истиқболли режалар асосида олиб борилмоқда. Ўқув юртимизда илмий-услубий ишларни кафедралар ёрдамида бошқариш йўлга қўйилган. Бу усулнинг афзалликлари кўп. Кейинги йилларда коллежнинг педагог-муҳандислари томонидан 20 га яқин ўқув ва услубий қўлланмалар яратилди. Ўқув режа ва дастурларини синовдан ўтказиш давом этмоқда. 2001 йилда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан "Полимер ишлаб чиқариш" ва "Ёнғин хавфсизлиги" йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларини тузиш белгиланган эди. Бу ишга малакали мутахассислар жалб этилди.



Коллеж директори, кимё фанлари доктори, профессор Б.Муҳиддинов ва ўқитувчи И.Камоловларнинг "Полимер ишлаб чиқариш", А.Чангбоев ва Д.Каримоваларнинг "Ёнғин хавфсизлиги" бўйича тузган ўқув режалари 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб республикамизнинг барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Таълим самарадорлигини оширишда ўқув услубий ишларнинг аҳамияти беқиёслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шу боисдан ҳам биз асосий эътиборни илмий-услубий ва кафедралар ишини такомиллаштиришга қаратмоқдамиз.

И.КАМОЛОВ,
ўқув ишлари бўйича директор муовини

ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН КОЛЛЕЖЛАР

Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилаётган қатор маданий ва маиший бинолар юртимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Ана шундай мустақиллик иншоотларидан бири Жиззах шаҳридаги иқтисод, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежидир. Жиззах инсдустриал техникуми ўрнида ташкил топган мазкур ўқув мажмуасини қайта реконструкция қилиш учун ҳукуматимиз жуда катта маблағ ажратди. Мазкур бинода салкам 600 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Коллеж келгусида 9 турдаги мутахассислик бўйича ёшларга таълим-тарбия беради. Менежмент, молия агенти, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш, давлат автоинспекцияси ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, юк ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш бўйича йигит-қизлар ҳам амалий, ҳам назарий билим ва малака ўрганадилар. Машғулотларнинг қизиқарли ва самарали бўлиши учун жаҳон андозалари талаби даражасида барча шароитлар мавжуд. 1050 ўринга мўлжалланган коллежда 3 та физика, 3 та химия, 2 та компьютер, 3 та лингафон кабинетлари ўқувчилар ихтиёридадир.

Коллежда ўқувчиларнинг ўз билимларини ҳар томонлама мустаҳкамлашлари учун 100 ўринли ётоқхона, 220 ўринли мажлислар зали, 240 ўринли ошхона, очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, теннис кортлари фаолият кўрсатмоқда. Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган бош пудратчи "Жиззахқурилишашёсавдо" фирмаси қурувчиларининг меҳнати ҳам барчага

Mustaqillik inshootlari

манзур бўлмоқда.

— Янги ўқув йилида 1930 нафар йигит-қиз ўзлари қизиққан мутахассисликлар бўйича касб ўрганадилар, — дейди коллеж директори, профессор Илҳом Тиркашев. — 2002-2003 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимларга 600 нафар талаба қабул қилинди. Коллежимизнинг педагоглари бутун куч ва маҳоратларини "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонунни амалга оширишга қаратмоқдалар.

Коллежда 105 нафар педагог ва мутахассис меҳнат қилмоқда. Улар орасида бир нафар фан доктори, 3 нафар фан номзоди бор. Ўқитувчиларнинг асосий қисмини олий тоифали ва биринчи тоифали мураббийлар ташкил этади. Бу йил олий ўқув юртини битирган 6 нафар ёш педагог малакали устозлар кўмагида иш ўрганмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Жиззах вилоятида коллежларни қайта таъмирлаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, Арнасой туманида қурилиши битмаган алоқа уйи замирида маиший хизмат ва иқтисодиёт коллежи 300 ўринли ётоқхонаси билан, Жиззах тиббиёт билим юрти замирида реконструкция йўли билан Жиззах тиббиёт коллежи 1050 ўринли ўқув биноси ҳамда 200 ўринли ётоқхонаси билан, Учтепада 600 ўринли ўқув биноси ҳамда 50 ўринли ётоқхонаси бўлган Жиззах иқтисодиёт коллежи янги ўқув йилида талабаларни ўз бағрига олади. Қисқаси, қайта реконструкция қилинган коллежлар чирой очиб, Жиззах кўркига кўрк бағишламоқда, ёшларни билим олишга чорламоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратда: Жиззах иқтисод, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг олд кўриниши.

Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат.

Istiqlol imkonlari

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТ

ЖАҲОН ТАЪЛИМ СИФАТИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

Мустақилликнинг 11 йиллигини ўзига хос туҳфалар билан муносиб нишонлаш мақсадида таълим ходимлари ўз соҳаларида бир қатор янгиликлар ва ўзгаришларни кашф этмоқдалар. Ана шулардан бири янги 2002-2003 ўқув йилида пойтахтимизда иш бошлайдиган, жаҳон таълим стандартларига тўла жавоб бера оладиган, халқаро миқёсдаги университетдир. Дунёнинг етакчи олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро Вестминстер университетига талабаларни ўқишга қабул қилиш жараёни якунланиб, айни пайтда янги ўқув йилига ҳозирлик кўрилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида алоҳида белгиланганидек, таълим сифатини оширишда муҳим омил — хориж тажрибасининг энг илғор ютуқларини мамлакатимиз таълим тизимига жорий қилишдан иборат. Жаҳоннинг юксак таълим сифати ва замонавий андозаларини юртимиз ўқув тизимига жорий қилиш ҳам албатта ижобий самара бераётгани шубҳасиз. Шунингдек, ўқув муассасалари фаолиятига хорижий сармояларни жалб этиш ва истеъдодли, билимга чанқоқ ёшларни чет элда ўқитиш тизимининг жорий этилганлиги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондиришда асосий омил бўлмоқда. Бу йилнинг энг қувонарли ҳодисаларидан бири сифатида тарихга муҳрланувчи Тошкентда Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори ҳам бевосита ана шу мақсадларни кўзлаган ҳолда иш олиб боради.

ТАШАББУС ВА ИЛК ҚАДАМ

Мазкур университет Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, "Умид" жамғармаси ва Буюк Британиянинг Вестминстер университети томонидан таъсис этилган олий ўқув юрти ҳисобланади. Университет олий таълим сифатига қўйиладиган умумэътироф этилган халқаро талабларга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсад ва вазифаларига тўла жавоб беради. Миллий давлатчилигимизнинг ўзига хос таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифатини такомиллаштириш миллий дастурнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бугунги кунда замон талабларига жавоб берадиган, янги шароит, янги технология ва ускуналарда ишлай оладиган, юқори малакали мутахассисларга "Кадрлар бозори"да эҳтиёж анча юқори. Бу мутахассисларга бўлган талаб қисман хорижий давлатлардаги олий ўқув юртларида таҳсил олиб қайтган кадрлар ҳисобига қондирилмоқда. Бироқ бунга давлат ҳисобидан кўп миқдордаги валюта маблағлари сарфланмоқда. Шу боис мамлакатимизда ташкил қилинган Вестминстер университети шу йўналишдаги сарф-ҳаражатларнинг миқдорини қисқартиришга ҳисса қўшади.

Университетда асосан "Иқтисодиёт", "Менежмент", "Ҳуқуқ" ва "Ахборот технологиялари" йўналишлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

700 НОМЗОДДАН 212 НАФАРИ САРАЛАНДИ

Янги ўқув мавсумида ўз фаолиятини бошлаётган университетга абитуриентларни қабул қилиш жараёни хусусида университет ректори Абдужаббор Абдувоҳидов қуйидагиларни ҳикоя қилди:

— Университетга бу йил 1- ва 2-курсга талабалар қабул қилиниши режалаштирилган эди. Табиийки, биринчи курсга ўрта мактаб ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битирган ўқувчилар, иккинчи курсга эса мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларининг биринчи курсини муваффақиятли тамомлаган талабалардан ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўқишга киришга даъвогар бўлган қарийб 900 нафар абитуриент ҳужжат топширган бўлса, улардан 700 нафари имтиҳонларга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бунинг боиси нимада? Сабаби — Халқаро Вестминстер университетида дарслар асосан инглиз тилида олиб борилади. Университетга ўқишга кириш умидида бўлган ёшлар инглиз тилини пухта ўзлаштирган бўлиши лозим. Дастлабки синов натижаларига кўра, 190 нафар номзод инглиз тилидан восита сифатида фойдалана олмаслиги сабабли ўта олмади. Университетга ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказилган барча имтиҳонлар Вестминстер университетида белгиланган талабларга мувофиқ, Низомда кўрсатилган тартиб ва муддатларда амалга оширилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хорижлик профессор-ўқитувчилар ёшларимизнинг зеҳни, қувваи-ҳофизаси, ақл-идроки, дунёқараши ва фикрлаш қобилиятига тасаннолар айтдилар. Бу жиҳатлари билан ЎЗБЕК БОЛАСИ ҳеч бир миллат фарзандидан қолишмаслиги хорижлик олимлар томонидан алоҳида эътироф қилинди.

Биринчи марта ўтказилган имтиҳон натижаларига кўра 212 нафар абитуриент университет талабаси деган шарафли номга муяссар бўлдилар. Уларнинг 160 нафари 1 курсга, 40 нафари эса 2 курсга — "Бизнес бошқарув" факультетига ўқишга қабул қилинди. Кувонарлиси шундаки, университетнинг 12 нафар 2 курс талабаси имтиҳонда эришган юқори кўрсаткичлари инобатга олиниб, Лондондаги Вестминстер университетида "Ахборот технологиялари" мутахассислигига ўқиш бахтига сазовор бўлдилар.

Талабаларга хорижлик мутахассислар билан бир қаторда махсус танловлар асосида саралаб олинган, чет элда фаолият кўрсатган маҳаллий педагог-ўқитувчилар жамоаси ҳам дарс беришади. Шунингдек, "Умид" жамғармаси йўлланмаси билан хорижда магистратура тизимида таҳсил олиб қайтган бир қанча йигит-қизлар ҳам бу ерда фаолиятларини бошлаш арафасида.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БАҲОСИ ОРТМОҚДА

Университетда ўқитиш "Умид" жамғармаси грантлари ва тўлов-контракт асосида кундузги ўқув шакли бўйича, бакалавриат ва магистратура ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўтказилади. Талабаларнинг 50 фоизи давлат (яъни "Умид" жамғармаси ажратган) гранти асосида, 50 фоизи эса тўлов-контракт асосида таҳсил оладилар. Тўлов асосан валютада белгиланиб, бир йиллик ўқиш баҳоси Марказий банк қиймати бўйича 4800 АҚШ долларини ташкил этади. Хорижда бир йиллик таълимнинг ўртача нархи 20-22 минг АҚШ долларини ташкил этади. Мамлакатимизда ташкил этилган энг нуфузли халқаро университетда 4800 АҚШ доллари тўлаб ўқиш, 3 баробарга арзон демакдир. Ана шу маблағни тўлаб, ўз корхонасининг келажак истиқболи учун хизмат қиладиган мутахассисни тайёрлаш умидида бўлган ташкилот ва муассасалар учун ҳам университет эшиклари доимо очиқ. Талабаларнинг бу даргоҳда таълим олишларига ҳомийлик кўрсатиш ниятидаги корхона ва муассасалар ҳам топилмоқда. "Ньюмонт-Ўзбекистон ЛТД" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Умид қиламизки, юртимизда бу каби ўзининг келажак истиқболи ва стратегиясини бугунданоқ ўйлаётган молиявий жиҳатдан бақувват корхона ва ташкилотлар сони анчагина. Ўйлаймизки, улар ҳам ўнлаб қобилиятли, билимли ёшларни қўллаб-қувватлайдилар.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

16 ЁШЛИ ТАЛАБА

Фарзанд ота-онага қувонч келтирса, бу ҳам бахтнинг бир белгисидир. Ўқитувчи оиласида туғилиб ўсган болалар ҳаётида, айниқса хурсанд бўлишга арзийдиган воқеалар кўпроқ кузатилади.

Ғиждувонлик муаллим Толиб Азимов ҳам ўғли Муҳсинжон туфайли кўнгли тоғдек юксалди. Ота 17-мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келяпти. Жуфти ҳалоли Санамхон ҳам муаллима. Тўғриси, эр-хотин Муҳсинжоннинг ҳам шу жонажон касбни танлашини истаганди. Болани хўп қисташди, доимо элнинг ҳурмат-эътиборида бўлиб юрасан,



шогирдларинг кўп бўлади, деб миясига қуйишдан эринмадилар. Аммо ўғил тушмагур гапга кўнмади, Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига кириб ўқийман, деб туриб олди. Очиғи, Толибжонда ўғлининг бу нуфузли даргоҳга ўз билими билан кириб кета олишига ишончи бўлса-да, бунинг акси бўлса-чи, деган фикр ҳам йўқ эмасди. Ахир, бу университетга кириб ўқишни истовчи ёшлар дарахтни бир силкитганда "дувв" этиб тўкиладиган мевалардек сероб.

Шундай қилиб, ота-она таваккалчиликка йўл беришди. Майли, Муҳсинжон омадини синаб кўрсин, ўтса ўтиб кетар, мабодо қайтса ҳам афсусланиш керак эмас. Ҳали ёш, эндигина 16 га тўляпти, кечикадиган жойи йўқ.

Дарвоқе, Муҳсинжон Азимов фавқулодда истеъдод соҳибларидан бири эканлигини "сакраб" ўқиш орқали намоён қилди.

Ғиждувонда 62-иқтидорли болалар лицейи тилга тушган. Ҳаттоки, бу ерда қўшни вилоятлардан келган мактаб ўқувчиларини ҳам учратиш мумкин. Ғиждувонликлар орасида "Агар болангиз ўша лицейга жойлашган бўлса, хотиржам юраверинг. У юқори баллар билан ўзи истаган олий ўқув юртига киради" деган гаплар ҳам юради.

Бунга Муҳсин Азимовнинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалигига 203 балл билан қабул қилинганлиги ҳам ёрқин мисолдир. У халқаро иқтисодий муносабатлар факультетида ўқиш имконига эга бўлди.

Муҳсинжон кичик жуссали, кўзлари ақл билан боқади, камтарлик камол келтиради, деган фикрни отаонаси унга хўп сингдиришган кўринади. Чунки унинг табиатида мақтанишнинг, кибрнинг бирорта аломатини ҳам кўрмайсиз.

16 ёшли талаба ўз устозлари — ота-онаси, лицей ўқитувчилари — Абдуллаев, Турсунова, Эргашев, Ҳасанов, Жумаев, Қўлдошев, Ҳаққуловлардан абадул-абад миннатдор бўлишини таъкидлайди. Зеро, истеъдод ўзидан-ўзи юзага чиқмайди. Уни заҳматкаш, ҳузур-ҳаловатни билмайдиган муаллимлар қанотлантиради.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

Суратда: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 1-курс талабаси Муҳсинжон Азимов отаси билан.

Александр ГУРЧЕНКО олган сурат.

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 2

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.50 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Мафтункор кабутарлар".
9.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.40 "Бугуннинг одамлари".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Сен борсан". Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.05 "Ягона оилада".
12.40 "Ҳамроҳ". Теленовелла.
13.30 Эстрада тароналари.
13.55, 14.30 ТВ анонс.
14.10 "Талабалик йилларим".
14.35 Кундузги сеанс: **"Самодаги пойгалар". Бадиий фильм. 1-қисм.**
16.10 "Шу азиз Ватан барчамизники".
16.30 ТВ клип.
"Болалар сайёраси":
16.40 1. "Олтин тож". Телевизион ўйин. 2. "Қиролликдаги саргузаштлар". Мультсериал.
18.10 "Биринчи қўнғироқ".
18.30 "Мулк".
18.45 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Андижонда мустақиллик байрами.
22.05 Янги ўқув йилига.
22.10 "Шу азиз Ватан барчамизники".
22.30 "Спорт, спорт, спорт".
22.45 "Мовий уммон қаърида". Телесериал.
23.35 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр тонги.
10.30 "Янги авлод" студияси: "Келинг, танишайлик".
10.50 Бахтли болалик қўшиқлари.
11.00 "Давр" ҳафта ичида.
11.30 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
12.20 Мусиқий лаҳзалар.
12.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган байрам тантанасидан репортаж (ёзиб олинган)
14.30 Ёшлар овози.
14.50 "Кулол ва хумча". Бадиий фильм.
16.05 ТВ-анонс.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 "Янги авлод" почтаси.
16.40 "Денгиз итлари". Мультсериал. 11-қисм.
17.05 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
17.55 Синфдош.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.40 "Бу менинг Ватаним" туркумидан: Қорақалпоғистон Республикаси. Видеофильм.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 Муҳаббат қушиқлари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.50 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал "Гиннес-шоу".
17.40, 19.00, 21.55 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 22-қисм.
18.30, 20.00, 21.10 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Ҳамшира-2002" кўрик-танлови.
19.15 "Камалак".
19.30 "Спорт ва болалар".
19.45 "Жозиба".
20.30 ТТВда сериал: "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 "Мусиқий меҳмонхона".
22.10 "Пойтахт шарҳи".
22.35 Кинонигоҳ. "Галгамет". 1-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 16.25 – 16.55.
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Мени кутгил".
18.20 "Қушдай енгил бўлинг". М. Евдокимов ҳузурида.
18.50 "Талабларга биноан тўхташ-2". Сериал.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV
20.35 "Янги ўқув йилига".
20.40 "Ишбилармон кишилар" (Байрам сони)
21.15 Кинематограф. "Қалтис муносабатлар". Бадиий фильм.
22.50 "Ахборот" (рус тилида)

Сешанба, 3

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Кошона".
9.40 "Соғлом она - соғлом бола".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.20 "Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари". Бадиий фильм.
12.05 "Тиббиёт одимлари".
12.20 "Бугуннинг одамлари".
12.40 Андижонда мустақиллик байрами.
13.40 "Спорт, спорт, спорт".
14.10 Кундузги сеанс: **"Самодаги пойгалар". Бадиий фильм. 2-қисм.**
15.40 "Рангин дунё".
"Болалар сайёраси":
16.05 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Баркамол авлод орзуси".
18.30 "Соз сеҳри".
18.50 "Инсон ва қонун".
19.10 "Солиқ ва биз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 "Ўзбекистон - Ватаним маним".
21.15 Янги ўқув йилига.
21.20 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
21.50 "Келин-куёв". Телешоу.
23.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Дўстлик" - "Бухоро".
23.45 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод"почтаси.
9.35 "Денгиз итлари". Мультсериал. 11-қисм.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 "Эсмеральда".
10.40 Табобат оламида.
11.00 Жаҳон жуғрофияси.
11.50 "Робин Гуд". Бадиий фильм .1-қисм.
12.55 Ёшлар овози.
13.15 Интерфутбол.
15.00 "Шум бола". Бадиий фильм.
16.30 "Мульттомоша".
17.05 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар".
17.25 "Денгиз итлари". Мульсериал. 12-қисм.
17.50 Таянч.
18.15 Ватан манзаралари.
18.35 Янги ўқув йилига.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Давр-интервью.
20.05 Марди-майдон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.50 "Эсмеральда".
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Нокаут.
23.30 Давр.
23.45 "Ҳақиқат чегараси". Сериал.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал: "Гиннес-шоу".
17.40, 19.20, 21.50 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 23-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.05 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Туризм ҳақида".
19.35 "Хотира". Х. Йўлдошев.
20.30 ТТВда сериал: "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 "Суҳбатдош".
22.30 Кинонигоҳ. "Галгамет". 2-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.25–16.55.
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар". Сериал.
18.20 "Машҳурлар". Герард Васильев.
18.50 "Талабларга биноан тухташ-2". Сериал.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV
20.35 "Янги ўқув йилига".
20.40 Кинематограф. "Катта жанжал". Бадиий фильм.
22.10 "Ахборот" (рус тилида)

Чоршанба, 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Куз", "Гўзаллик оламида".
9.20 "Кўҳна замин оҳанглари".
9.40 "Инсон ва қонун".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Семурғ". Бадиий фильм.
11.35 "Солиқ ва биз".
12.05 "Баркамол авлод орзуси".
12.25 ТВ анонс.
12.30 "Миттивойлар оиласи". Кинокўрсатув.
12.50 "Роҳат". Фольклор этнографик ансамблининг концерти.
13.20 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Остонаси тиллодан".
14.30 Кундузги сеанс: **"Дўст кулфатда билинади. Бадиий фильм.**
15.40 "Ягона оилада".
16.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Насаф" - "Сўғдиёна".
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман". 2. "Қувноқ шаҳарча". Телемусобақа.
18.10 "Куйла, ёшлигим".
18.30 "Умид". Телелотерея.
19.10 "Мулк".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Юзма- юз".
20.30 «Ахборот».
21.05 Жиззахда мустақиллик байрами.
22.05 Янги ўқув йилига.
22.10 Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
"Спорт" дастури:
22.40 1. "Спорт, спорт, спорт". 2. Теннис бўйича "Президент кубоги" солномаси.
23.15 "Ахборот -дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Оқ кабутар".
9.35 "Денгиз итлари". 12-қисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 "Эсмеральда".
10.55 Таянч.
11.20 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
12.10 Ёшлар овози.
12.30 "Робин Гуд". Бадиий фильм. 2-қисм.
13.40 Ватан манзаралари.
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.15 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
15.55 "Одамлар орасидаги бўри боласи". Бадиий фильм.
16.20 "Янги авлод" студияси: "Олтин калит".
16.35 "Денгиз итлари". Мультсериал. 13-қисм.
17.00 Болажон.
17.15 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
18.05 Чемпион сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Сийрат.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Севги тароналари.
20.50 "Эсмеральда".
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Гиннес-шоу".
17.40, 19.10, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 24-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Санъатга бахшида умр". Т. Шарипов.
19.25 "Аёл-она, мураббий, раҳбар" телеклуби.
19.45 "Эҳтиром ила".
20.30 ТТВда сериал: "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 "Умр йўлдоши".
22.40 Кинонигоҳ. "Шафқатсиз романс". 1-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 16.25–16.55.
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар". Сериал.
18.15 Е. Петросяннинг "Кулгу панорамаси".
18.50 "Талабларга биноан тухташ-2". Сериал.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV.
20.35 Кинематограф. "Калли ва унинг ўғли". Бадиий фильм.
22.05 "Ахборот" (рус тилида)

Пайшанба, 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман". 2. "Қувноқ шаҳарча". Телемусобақа.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.20 "Буғдойзорлар оралаб". Бадиий фильм.
11.35 "Фавқулодда 20 дақиқа".
12.05 "Фанимиз истиқболлари".
12.25 Жиззахда мустақиллик байрами.
13.25 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Спорт, спорт, спорт".
14.25 "Куйла, ёшлигим".
14.45 Кундузги сеанс: **"Санников ери". Бадиий фильм.**
16.20 "Таянч нуқтаси".
16.40 "Ўзбекистон бастакорлари".
"Болалар сайёраси":
17.00 "Бешбармоқ". Тележурнал.
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
18.30 "Яхши ният". Телелотерея.
19.05 "Орзулар қанотида".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот. Тадбиркорлик фаолияти.
21.40 Янги ўқув йилига.
21.45 Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова куйлайди.
22.30 "Дунёқараш".
22.45 Теннис бўйича "Президент кубоги" солномаси.
23.05 "Мовий уммон қаърида". Телесериал.
23.55 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Олтин калит".
9.30 "Денгиз итлари". Мультсериал. 13-қисм.
9.55 Болажон.
10.10 Тафаккур ёлқинлари.
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 "Эсмеральда".
11.05 Спорт-қитъаси
11.35 Чемпион сирлари
11.55 Жаҳон жуғрофияси.
12.45 Сийрат.
13.05 Интерфутбол.
14.45 Ёшлар овози.
15.05 "Ҳақиқат чегараси".
15.30 Куйла, болалик.
15.40 "Мульттомоша".
15.55 "Зита ва Гита". Бадиий фильм. 1-қисм.
17.10 ТВ-анонс.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 "Янги авлод" студияси: "Ҳар соҳага саёҳат".
17.40 "Мульттомоша".
17.55 Кўли гул уста.
18.15 Янги ўқув йилига.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 "Давр"-интервью.
19.55 "Бу менинг Ватаним" туркуми: Сурхондарё вилояти. Видеофильм.
20.35 "Ёр ишқи". Мусиқий дастур.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол Танаффус пайтида:
23.50 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал "Гиннес-шоу".
17.40, 19.05, 22.10 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 25-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Навниҳол".
19.20 "Камолот фасли".
19.45 ТТВда мусиқа.
20.30 ТТВда сериал: "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 "Розилик ҳам ололмадим". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Холиқов.
22.50 Кинонигоҳ. "Шафқатсиз романс". 2-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.25–16.55.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар".
18.15 "Форс-мажор".
18.50 "Талабларга биноан тўхташ-2". Сериал.
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV.
20.35 "Сифат ва стандарт".
20.55 "Соккер клуб".
21.15 Кинематограф. "Ой" нури агентлиги". Бадиий фильм.
22.55 "Ахборот" (рус тилида)

Жума, 6

"«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 "Бешбармоқ". Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Бурилиш". Бадиий фильм.
11.35 "Оламни асранг!"
11.55, 13.00, 13.55 ТВ анонс.
12.05 М. Байжиев. "Тўйдан олдин томоша". Теленовелла.
13.05 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
13.25 "Қўшиғимиз сизга армуғон".
14.10 Кундузги сеанс: **"Курьер". Бадиий фильм.**
15.35 "Аския".
16.00 "Ҳуқуқ сабоқлари".
16.20 ТВ клип.
Болалар сайёраси":
16.30 1. "Кичкинтоймиз-гижингтоймиз". 2. "Ўйла, изла, топ". Телемусобақа.
17.35 "Нурли манзиллар".
18.10 "Олтин мерос".
18.25 "Тафсилот".
18.45 "Бу ажиб фасл". Телеальманах.
19.05 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Янги ўқув йилига".
20.30 «Ахборот».
21.05 "Сиёсат оламида".
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
22.00 "Олтин бешик".
22.20 ТВ клип.
22.30 "Йўл бошида".
22.50 Теннис бўйича "Президент кубоги" солномаси.
23.10 "Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 Давр.
9.15 "Янги авлод" студияси: "Ҳар соҳага саёҳат".
9.30 "Мульттомоша".
9.45 Фарзандим-жигарбандим.
10.00 "Давр"-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 "Эсмеральда".
10.55 Бегойим.
11.15 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
12.15 Интерфутбол.
13.55 Ёшлар овози.
14.15 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
15.05 Мультфильм.
15.20 Куйла, болалик.
15.30 "Зита ва Гита". 2-қисм.
16.40 ТВ-анонс.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 "Янги авлод" студияси: "Спорт майдончаси".
17.10 Автосалтанат.
17.25 Кўшқулоқ.
17.40 "Хуш келибсиз!"
18.05 Дунё ажойиботлари.
18.25 Аср қиёфаси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.40 "Давр"-репортаж.
19.50 "Бу менинг Ватаним" туркуми: Жиззах вилояти. Видеофильм.
20.15 Севги сурури.
20.30 Ёшлар овози.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".
00.05 Давр.
00.20 "Ҳақиқат чегараси".

«Тошкент» телеканали

17.20 "Гиннес-шоу".
17.40, 19.15, 21.45 "Экспресс" телегазетаси.
17.55 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 26-қисм.
18.30, 20.00, 21.10, 22.00 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Ёшлар ҳудуди".
19.30 "Мусиқий лаҳзалар".
19.45 "Кўркам ўлкам".
20.30 ТТВда сериал: "Ҳозир ёки ҳеч қачон".
21.30 "Эл хизматида".
22.25 "Кинонигоҳ". "Ракетачи".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-8.00.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.25–16.55.
17.00 "Вести".
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар".
18.15 "Инсон ва қонун".
18.50 "Мўъжизалар майдони".
20.00 "Время".
20.35 Е. Степаненко, Е. Шифрин, Ян Арлазоров ва бошқалар ҳажвий кўрсатувда.
ЎзТВ–IV.
22.00 "Янги ўқув йилига".
22.05 "Дурдаршан".
22.30 Кинонинг олтин асри: "Спартак". Бадиий фильм. 2-қисм.
23.50 "Ахборот" (рус тилида)

Шанба, 7

"«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Кичкинтоймиз-гижингтоймиз". 2. "Ўйла, изла, топ". Телемусобақа.
10.00 "Сиёсат оламида".
10.20 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
10.50 "Олтин бешик".
11.10 "Қора қисқичбақа чангалида". Бадиий фильм.
12.45 "Маърифат".
13.10 ТВ-1 кинотеатри: **"Тоғлик куёв". Бадиий фильм.**
14.40 "Ягона оилада".
15.10 "Портретга чизгилар".
15.30 "Фаминго".
15.50 "Бахтимизга омон бўлинг".
"Болалар сайёраси":
16.10 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
17.10 "Рангин дунё".
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон миллий ва Япония клублар терма жамоалари халқаро дўстлик учрашуви. "Пахтакор". Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - мультфильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Шийпондаги учрашувлар". Наманган вилояти Поп тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
21.45 "Янги ўқув йилига".
21.50 "Қизлар даврасида".
22.50 "Ахборот-дайжест".
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури:
23.10 "Замонлар оша -1". Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 "Давр"-репортаж.
9.10 Ўзбекистон Президенти кубоги халқаро теннис турнири.
11.00 "Янги авлод" студияси: "Спорт майдончаси".
11.20 Табобат оламида.
11.40 "Эсмеральда".
12.10 Муҳаббат қушиқлари.
12.30 Аср қиёфаси.
12.50 "Ёшлар" телеканалида спорт: "Ринг қироллари".
13.50 Ёшлар овози.
14.10 Болалар экрани: "Алиса кўзгу орти ўлкасида". Мультфильм.
14.50 Дунё ажойиботлари.
15.10 "Экспедиция".
16.00 Юлдузлар чеҳраси.
16.25 "Рамаяна". Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма".
17.25 Болалар клуби.
17.45 Саломатлик сирлари.
18.05 Футбол плюс.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ёшлик қушиқлари.
19.50 Оҳанрабо.
20.25 Кутилмаган меҳмон.
20.45 Мусиқий лаҳзалар
21.00 "Скарлет". Кўп қисмли бадиий фильм. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотақдим.
23.10 "Орзулардан яралган олам". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Болажонлар экрани". "Шарки ва Жорж". 27-қисм.
17.40 "Жаҳон географияси".
18.25, 19.45, 21.20 "Экспресс" телегазетаси.
18.40 "Мисли гавҳар".
19.00 "Пойтахт". Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 "Спорт-клуб".
20.00 "Ҳамшаҳарлар".
20.20 "Табриклаймиз-кутлаймиз".
21.00 "Пойтахт".
21.35 "Кинонигоҳ. "Зоя". 1-2-сериялар.

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 Е. Петросяннинг "Кулгу панорамаси".
9.45 "Лаззат".
ЎзТВ–IV.
10.05 "CFI янгиликлари".
10.15 "Теграмиздаги олам".
10.45 "Фан тайм".
10.55 "Менинг шаҳрим".
11.15 "Олтин микрофон".
11.45-12.45 Дўстлик видеоканали: "Ўзбекистон - умумий уйимиз", "Бизнен мирас", "Чинсен".
17.55 Ким Бейсингер "Ҳақиқий Маккой" фильмида.
20.00 "Янги ўқув йилига".
20.05 "Ассалом, Франция!"
20.20 "Автострада".
20.40 Тунги канал: "Ҳали кеч эмас..."
20.45 "Шлягер".
21.00 "Эслайсизми".
21.10 "Икки ёқлама зарба".
21.20 "Яшаш воситаси".
21.35 "Тунги навбатчилик".
21.50 "Хит парад".
22.10 "Бешинчи айлана".
22.25 "Афиша".
22.35 CFI тақдим этади: "Томдаги гусар". Бадиий фильм.
00.35 "Ахборот" (рус тилида)

Якшанба, 8

"«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак".
9.10 "Ғаройибот".
9.30 "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультфильм.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
12.20 "Кўҳна замин оҳанглари".
12.40 ТВ-1 кинотеатри: **"Такси". Бадиий фильм.**
14.05 "Қалб гавҳари".
14.25 Эстрада тароналари.
14.55 "Фликнинг саргузаштлари". Мультфильм.
"Болалар сайёраси":
16.30 1. "Олтин тож". Телевизион ўйин. 2. "Улғайиш поғоналари".
17.40 "Талабалик йилларим".
18.00 "Тўртинчи ҳокимият".
18.20 "Мусиқа: кеча ва бугун".
18.45 "Оқ олтин". Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Озод Шарофуддинов. Ҳақиқатга садоқат". Телефильм.
20.30 "Таҳлилнома".
21.10 "Якшанбада Сиз билан бирга".
21.35 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
"Якшанба кинозали".
22.35 "Кино оламида".
22.55 "Замонлар оша -2". Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 Давр тонги.
9.00 Болалар клуби.
9.20 "Томоша қалдирғочлари".
9.45 Футбол плюс.
10.10 Очил дастурхон.
10.25 Давр-интервью.
10.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов куйлайди.
11.00 Ўзбекистон дурдоналари.
11.10 Ўзбекистон Президенти кубоги халқаро теннис турнири.
13.00 "Ёшлар" телеканалида ҳарбий ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.
13.40 "Заковат" интелектуал ўйини.
15.00 "Экспедиция". Ҳужжатли сериал.
15.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.10 "Рамаяна". Телесериал.
16.45 Спорт ҳафтаномаси.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" студияси: "Катта танаффус".
17.25 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
18.15 Оила тилсими.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр"-news.
19.20 Очун.
19.45 Ҳандалак.
20.10 Аёл қалби наволари.
20.35 "Скарлет". Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
21.20 "Зинама-зина".
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр ҳафта ичида".
22.35 Тунги тароналар.
22.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Мушкул вазифа". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Болажонлар экрани". "Бахт қуши".
18.55, 20.05, 21.40 "Экспресс" телегазетаси.
19.10 "Жаҳон географияси".
19.55 "Телефакт".
20.20 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.00 "Пойтахт шарҳи".
21.20 "Ташриф".
21.55 Кинонигоҳ. "Ноттердамлик букри".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
9.30 "Ҳамма уйдалигида".
10.05 "Кайфият". Информациондам олиш дастури.
11.05 "FCN". Ўзбекистон янгиликлари (Инглиз тилида)
11.15 "Парле ву франсе?"
11.40-12.40 "Дўстлик" видеоканали: "Рангикамон", "Дидар", "Айчурек".
18.35 "Бинафша".
18.55 "Британия кундалиги".
19.10 "Тенгдошлар".
19.40 "Кинопрофи".
20.00 "Время".
20.30 Сандра Буллок "Табиат кучи" комедиясида.
22.25 "Таҳлилнома".
23.00 "Тунингиз осуда бўлсин!"

9-16 сентябрь кунлари пойтахтимизда тўққизинчи бор Ўзбекистон Республикаси президенти кубоги учун теннис бўйича анъанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтади.

ИРОДАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ўтказилаётган "US Open" очиқ турнирида дунёнинг энг кучли теннисчилари баҳс юритмоқдалар. Зеро, ушбу мусобақада иштирок этаётган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова италиялик ракетка устаси Заньетти устидан 6:0/6:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

ПЕДАГОГЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Жорий Қарияларни қадрлаш йилида Республика халқ таълими ходимларини жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, уларни жисмоний чиниқтириш ва саломатликларини тиклаш мақсадида анъанавий III спартакиадасида бўлиб ўтади. 4-6 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида бўладиган мазкур спартакиадада вилоятлардан келган педагоглар спортнинг мини футбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича беллашадилар.

Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

9-16 сентябрь кунлари пойтахтимизда тўққизинчи бор Ўзбекистон Республикаси президенти кубоги учун теннис бўйича анъанавий халқаро мусобақа бўлиб ўтади. Германия, Россия, Швеция, Дания, Голландия, Франция, Испания, Аргентина каби давлатлардан 90 га яқин спортчилар қатнашиши кутилаётган бу нуфузли кубокда ҳамюртимиз Олег Огородов ҳам иштирок этади. Бу сафар ким ғолиб бўлишини вақт кўрсатади.

"UN Cup"

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Теннис федерацияси томонидан ташкил этилган "БМТ кубоги" халқаро ўсмирлар турнири пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий банкининг спорт мажмуасида ўтказилмоқда. Айтиш мумкинки, иккинчи бор ташкил этилаётган бу мусобақада Япония, Россия, Грузия, Арманистон, Ҳиндистон, Қозоғистон республикаларидан келган теннисчи ўсмирлар билан биргаликда Денис Исаев, Ғофур Эшматов, Жамол Умаров каби ҳамюртларимиз кортда ҳам беллашмоқдалар.

Эслатиб ўтамиз, "UN Cup"нинг ўтган йилги баҳсларида ҳамюртимиз Фаррух Дўстов ғалаба қозонган эди.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси, "Ўздонмаҳсулот" Давлат акциядорлик корпорацияси ва Навоий вилояти Қизилтепа тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда футбол бўйича "Олтин бошоқ" республика анъанавий турнири бўлиб ўтди. Қизилтепа туманининг "Дўстлик" ва "Авангард" ўйингоҳларида беллашган вилоят терма жамоалари орасида кўчма Кубок бухороликларга насиб этди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Шри-Ланкада ўтказилган енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этдилар. Людмила Перепелова, Замира Амирова, Павел Андреев, Мария Сокова ҳамда Сергей Войновлар чемионатларнинг кумуш медалларини қўлга киритишган бўлсалар, 100 метрга югуриш баҳсларида аёлларимиз тўртлигига 2-ўрин насиб этди.

ПЕЛЕ МАЙДОНГА ТУШАДИ

Дунё футболининг қироллари бўлмиш Пеле ҳамда Марадона Колумбия футболида энг яхши ўйинчи сифатида танилган Карлос Вальдерамнинг 40 ёшга тўлиши муносабати билан ноябрь ойида ўтказиладиган футбол ўйинида иштирок этиш учун Колумбияга келадилар. Колумбия терма жамоаси "диспетчери" номини олган Вальдерам учта жаҳон чемпионатида иштирок этган.

УЕФА: МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Европа футбол федерацияси УЕФА ўтган мавсумнинг энг яхши ўйинчилари номини Монте-Карлода эълон қилди. Унга кўра, Европанинг энг яхши дарвозабони сифатида Оливер Канн, энг яхши ярим ҳимоячи сифатида Михаил Баллак, яхши ўйинчи Зинадин Зидан, яхши мураббий — "Реал" клуби мураббийи Висенте дел Боску, яхши ҳимоячи — Роберто Карлос ва энг яхши ҳужумчи Раул Ганзалеслар тан олинган.

ТАЙСОН АФРИКАГА КЕТМОҚДА

Жанубий африкалик бокс ихлосмандлари америкалик оғир вазндаги профессионал чарм қўлқоп устаси Майк Тайсон-



ни ўз мамлакатларига чақирмоқдалар. Маҳаллий промоутер Родни Берман "Темир мушт" номини олган Тайсоннинг менеджери билан бу борада музокаралар олиб бориб, унинг ижобий фикрини олишга муваффақ бўлган.

Эслатиб ўтамиз, 8 июнь куни англиялик Леннокс Льюисга қарши рингга чиққан Тайсондан шу куни омад юз ўгирган эди. Шундан сўнг, унинг АҚШдаги обрўэътиборига маълум маънода путур етди. Лекин, Берманнинг фикрича, Жанубий Африкада унинг ишқибозлари чексиз.

РОНАЛЬДО "ИНТЕР"ДА ҚОЛАДИГАН БЎЛДИ

Жаҳон чемпионатининг энг яхши ҳужумчиси ҳисобланган Рональдонинг "Интер" клубидан кетиши ҳақида хабарлар тарқалган бўлишига қарамасдан, у жамоада қоладиган бўлди. Лига чемпионларининг дастлабки босқичида Португалиянинг "Спортингом" клуби билан "Интер" учрашув ўтказганидан сўнг, клуб

директори Массимо Моратти Рональдонинг "Реал"га ўтиши борасидаги музокараларни тўхтатишга қарор қилди. Шу куни "Спортингом" устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган "Интер" Лига чемпионларининг гуруҳ баҳсиларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

БРАЗИЛИЯ ЖАМОАСИГА ЗАГАЛЛО РАҲБАРЛИК ҚИЛМОҚДА

Луис Фелипе Сколари ўз хоҳиши билан Бразилия терма жамоаси мураббийлигидан кетганидан сўнг, унинг вазифасини вақтинчалик Марио Загалло бажарадиган бўлди. Загалло Бразилия жамоасининг икки марта ўйинчиси сифатида, икки марта мураббийси ва бир марта техник директори сифатида жаҳон чемпионатларида иштирок этган. Келаётган ноябрь ойида эса 5 карра жаҳон чемпионлари АҚШ, Жанубий Корея, Дания терма жамоаларининг бири билан ўртоқлик учрашувини ўтказадилар.

Бразилия футбол федерацияси эса, 2003 йилнинг февраль ойида жамоанинг янги бош мураббийини тайинлайди. Ҳозирда бу лавозимга Вандерлей Люшембургу, Карлос Альберто Паррейра ва Освальдо де Оливейралар талабгорлик қилмоқдалар.



59-КИНОФЕСТИВАЛ

Венециянинг Лидо оролидаги Киночилар саройида 59-кинофестивал ўтказилмоқда. Мазкур нуфузли фестивалда 50 дан ортиқ мамлакатларнинг 143 та фильмлари намойиш этилаётган бўлиб, улар орасида таниқ-

ли кинорежиссёрлар Такеши Китанонинг "Қўғирчоқлар", полшалик Агнешка Холланднинг "Жулия уйга кетмоқда" каби янги фильмлари ҳам бор. Фестивалга фахрий меҳмонлар сифатида италиялик машҳур актриса Софи Лорен, Гвинет Пэлтроу ва Сальма Хэйеклар таклиф этилганлар.

БАҒДОДДА САУДИЯ САВДО КЎРГАЗМАСИ



Саудия Арабистони сентябр ойининг бошларида Бағдод шаҳрида савдо кўргазмасини ўтказади. 1991 йилдан буён Ар-Риёд ва Бағдод ўртасида биринчи бор ҳамкорликда ўтказилаётган кўргазмада Саудиянинг тиббиёт, энергетика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида етакчи ўринларга эга бўлган фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлар билан иштирок этадилар.

ДАРАДА АРАБ ТЕРРОРЧИСИ

Панкис дарасида антитеррор операцияни ўтказаётган Грузия қуролли кучлари Франция фуқаролигига мансуб бўлган араб кишисини ҳибсга олган, дея хабар беради "Интерфакс" агентлиги. Грузия давлат хавфсизлиги вазири Валерий Хабурдзаниянинг айтишича, у халқаро террорчи ташкилотлар билан алоқада бўлиши мумкин. Ҳарбий кийим устидан оддий кийим кийиб олган бу кишининг ёнидан Панкис дараси харитаси топилган.

ЖАК ШИРАК: МАСАЛАНИ БМТ ҲАЛ ЭТАДИ

Бугун жаҳон ҳамжамиятининг бош масалаларидан бирига айланган Ироқ муаммоси ҳақида фикр билдирар экан, Франция президенти Жак Ширак Вашингтоннинг Боғдодга уюштиражак операцияси фақат БМТ

розилиги билан амалга оширилиши кераклигини айтган. Агарда Ироқ келгусида ҳам халқаро инспекторларнинг мамлакат ҳудудига киришларига рухсат бермаса, у ҳолда бу масала билан БМТ шуғулланмоғи керак. Бинобарин, АҚШнинг Боғдод операциясига унинг иттифоқдошлари бўлмиш Туркия, Покистон ва Саудия Арабистони ҳам қарши чиқмоқда.

ХОҲЛАГАН ПАЙТДА ХАВФ СОЛИНИШИ МУМКИН

БМТ экспертлари "Ал Қоида" ташкилоти халқаро ҳамжамиятга ҳозир ҳам жиддий хавф саналиши борасида маъруза тайёрлаганлар. Маърузага кўра, гарчи Афғонистонда "Ал Қоида"га зарар етказилган бўлса-да, у хоҳлаган вақтда навбатдаги ҳуружини амалга оширишга тайёр. Ҳозирда "Ал Қоида"нинг дунё банкларидаги ҳисоб-рақамлари музлатиб қўйилган бўлса-да, лекин унинг молиявий қудрати 30 миллиондан 300 миллионгача доллар миқдорида баҳоланмоқда. Афсуски, террорчиларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга ўтишларини таъқиқлаш борасидаги ишлари ҳам у қадар самара бермаяпти.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди

Толеимдан ўргилай, Ватан,
Бир фарзандинг бўлганим учун,
Нечун Сендан жонимни аяй,
Сенсиз менга жон даркор нечун?

ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

ЮРАКЛАРНИНГ ЁҒДУСИ

Ўн бир йил бўлибди эрк қуёшининг
Нури юрт осмонин ёритганига.
Парчалаб қулликнинг оғир тошини,
Истибдод захрини аритганига.

Бу фурсат тарихан жуда қисқадир,
Уммондан бир томчи, бир қатрага тенг.
Эзгулик жам этган ёрқин қиссадир,
Қиссаси, мазмуни олам каби кенг.

Аждодлар истиқлол гулин кўролмай,
Орзуси ушалмай ўтиб кетдилар.
Эркинлик завқи ва шавқин суролмай,
Армон ва ҳасрат-ла ерга йитдилар.

Бу ёруғ нурларга етмоқлик бахти
Бизга соф ҳаводек айлади насиб.
Ҳурликнинг жарангдор, ёқимли мадҳи
Ҳузур бахш этмоқда юрт узра кезиб.

Яна йиллар ўтар, ўтар асрлар,
Истиқлол нуридан миннатдор бўлиб.
Унинг мевасидан тотган насллар
Яшарлар бир умр шодликка тўлиб.

Озодлик туйғуси гўзал, дилрабо,
Одамзот наслининг туғма орзуси.
Олтиндан ҳам қиммат у сочгай зиё,
Қалбларни мунаввар айлар ёғдуси.

Онанинг кўксини эмган фарзанддай,
Хурсандман шу элда туғилганимга.
Дилимга Ватаннинг меҳри пайванддур.
Муқаддас туйғу-ла йўғрилганимга.

Соип МУҲАМЕДОВ

ТАШАККУР

Толеимдан ўргилай, Ватан,
Қучоғингда улғайганим-чун,
Таъзим қилиб тупроғинг ўпай,
Керак бўлса, минг бора ҳар кун.

Толеимдан ўргилай, Ватан,
Саждагоҳим бўлганинг учун,
Бор билимим, кучимни берай,
Меҳнат қилиб, тинмай туну-кун.

Толеимдан ўргилай, Ватан,
Бир фарзандинг бўлганим учун,
Нечун Сендан жонимни аяй,
Сенсиз менга жон даркор нечун?

Толеимдан ўргилай, Ватан,
Ўзбекистон бўлганинг учун,
Ўзга юртни не ҳавас қилай,
Шундай юртим бўлса бус-бутун.

Толеимдан ўргилай, Ватан,
Мустақил-у ободлигинг-чун,
Бошимизда забардаст шундай,
Юртбошимиз борлиги учун!

Карима ИНАМОВА

МУБОРАК КУН ТОНГИ

Ҳикматга тўлиғдир сентябрь тонги,
Биринчи, иккинчи-оддий рақаммас:
Истиқлол байрами, билим байрами
Бизлар-чун ҳамиша бўлур муқаддас!

Биринчи, иккинчи бўлмишлар, зотан,
Беруний, Хоразмий, Ибн Синолар.
Шукрким, бугун ҳам бу она-Ватан
Муносиб ўрнини шаҳд ила олар.

Биринчи, иккинчи бўлиб жаҳонда
Паҳлавонлар қайтар олис сафардан.
Уларни кутлагай Соҳибқирон-да,
Уйғониб ўғлонлар қучган зафардан.

Дунё пештоқига шараф-ла битгай
Ўзбекнинг номини Темур авлоди.
Биринчи, иккинчи қатордан ўтгай,
Бўлса гар бир куни дунё паради.

ТЎРТЛИКЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбек беқасамин эслатиб фалак,
Осмон гумбазига тақди камалак.
Кўк қадар юксалиб "ўзбек" каломи
Дунёга кўрсатур ҳали кўп ўрнак.

* * *

Муҳаббат таърифи тугамас, бироқ
Ватанга муҳаббат доим кучлироқ.
Бежизмас ўз юртин севгани учун
Абадий яшайдур Тўмарис, Широқ.

Ғойиб ЁҚУБОВ

ОЗОДЛИК

Сенинг учун боболарнинг юрак-бағри қон бўлди,
Момоларим тўккан ёшлар дарёю уммон бўлди.
Йигитларнинг гул юзлари сарғайиб сомон бўлди,
Пок руҳларни шод айлаган эрк қуёшинг муборак!

Жалолиддин сени дея қилич тутди, қон кечди,
Темур Малик Сирдарёдан сакради, қушдек учди.
Соҳибқирон ёдинг билан яшади, зафар қучди,
Сен-ла парвоз қилар ҳозир ўша ҳар бир шер юрак!

Халқим кишан кийганда ҳам мудом эрк деб яшади,
Айрон ичди, паловини аллакимлар ошади,
Омборлари пахта, ипак, олтинлардан бўшади,
Лекин мудом сени дилда асради: "Ҳурлик керак!"

Энди азиз юрт тупроқни тарк этмагин, Истиқлол!
Шу халқ билан мангу яша, унинг билан мангу қол,
Ўзбекистон деган боғда шода-шода мева сол,
Ватан узра яна отган янги тонгинг муборак!

Мунавваринг сени куйлаб тўлди бу кун илҳомга,
Сўздан келса, сени дея тили келар каломга,
"Истиқлол" деб ҳар бир сўзи эгилади саломга,
Истиқлолим, гул баҳорим, гулгун ёшинг муборак,
Халқим узра чарақлаган ҳур қуёшинг муборак!

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА,
Беруний туманидаги 61-мактаб
ўқитувчиси

БАЙРАМ КРОССВОРДИ



ЭНИГА: 1. Эркин Воҳидовнинг машҳур қасидаси. 5. Куни кеча "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини олган машҳур журналист, танқидчи. 10. Ватанимизнинг "Олтин водий"-си. 15. Катта буви, момо. 16. Покиза, саришта. 17. Бошқа киши. 18. Машҳур кишиларнинг тошдан ясалган катта тасвири. 19. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг тахаллусларидан бири. 20. Машҳур актёр - ... Ҳидоятов. 21. Бир сўзни ифодаловчи бирикмалар. 23. "Доктор Фаустус" романи муаллифи, жаҳон адабиётининг машҳур намояндаси. 25. Мутасаввуф, "Яссавия" тариқатининг асосчисининг исми. 26. Қозонга биринчи бўлиб тушадиган нарса. 27. Маълум муддатга фойдаланиш. 29. Саъдий Шерозий асари. 30. Қизил ранг. 33. Амир Темур ҳайкалини яратган машҳур ҳайкалтарош. 34. Ғарбда Авиценна номи билан шуҳрат қозонган аллома. 36. Ватанимиз пойтахти. 39. Керак. 40. Тинчлик элчиси бўлган қуш. 42. Машҳур тарихчи Евгений Березиковнинг ўзбекча тахаллуси. 45. ...-ҳаракат. 46. Қозоғистондаги дарё. 47. Бировга оғирлиги тушмоқ. 49. Сотиладиган мол. 51. Россияда ҳукмронлик қилган сулолалардан бири. 53. Мазмун. 54. Енгил шабада. 55. Эстрада гуруҳларидан бири. 56. Кичик дарё. 58. Нур ...дандир. 60. Кичик сув йўли. 61. Маъноли сўзлар. 62. Пешонага ёзилган умр, тақдир. 63. Садриддин Айний туғилган қишлоқ. 65. Корейсча фамилия. 66. Ибн Синонинг машҳур асари – "... қонунлари". 68. Жаннатдаги булоқ. 69. Отлиқ аскар. 70. Уйда ўстириладиган гуллардан бири. 73. Суварак. 74. Шоҳмот доналаридан бири. 75. Сайқали руйи замин. 78. Адолат. 82. Асримиз бошларида мустақиллик учун курашган жадидлардан бири. 83. Япония таркибидаги орол. 85. Инглизча эркаклар исми. 86. Худойберди Тўхтабоевнинг "Қасоскорнинг олтин боши" асаридаги миллат қаҳрамонларидан бири. 87. Озода, саришта. 88. Айғоқчи. 89. Ислом ҳуқуқшунослиги фанининг билимдони, аллома, "Ҳидоя" асари муаллифи.

БЎЙИГА: 1. Жаннатмакон диёримиз. 2. Ризқ-рўз; файз. 3. Куба давлати пойтахти. 4. Мумтоз ўзбек шоирларидан бири, мутасаввуф. 5. Амир Темур туғилган шаҳар. 6. Биринчи ўзбек генерали. 7. Қуршов, орада қолиб кетиш. 8. Дардли кишиларга овунчоқ бўлиш. 9. Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур шоир, бир қанча китоблар муаллифи. 10. Алишер Навоийнинг форсий тахаллуси. 11. Ёзувчи. 12. Туман. 13. Бадиий асардаги қаҳрамонлар. 14. Тарихда ватанимиз ҳудудидида ҳукм юритган сулолалардан бири. 19. Рақам (рус). 22. Хўжалик раҳбари. 24. Собиқ "Пахтакор"чилардан бири. 28. Машҳур ҳинд актрисаси. 31. Биринчи ўзбек романнависининг исми. 32. Муқаддас китоблардан бири. 35.Балиқ увилдириғи. 37.Ҳотами ... . 38. Уй-рўзғор буюми. 41. Ҳаргиз. 43. Сўров. 44. Хусусий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш идораси. 48. Лаҳза. 49. Ўзбекистонга қўшни давлат. 50. Бобур, Чўлпонлар ватани. 51. Давлатларнинг сиёсий тузилиши шаклларидан бири. 52. Олий ҳакам. 57. Ғам, қайғу. 58. Пуфак. 59. Тарихда Ўрта Осиёдаги олий унвон. 60. Маст қилувчи ичимлик. 61. Қарама-қарши маъноли сўзлар. 62. Қўриқчи. 63. Садриддин Айний туғилган қишлоқ. 64. "Равшан" достонидаги полвон-каллардан бири. 65.Қатағонга учраган қўқонлик шоир. 67. "Ал-адаб ал-муфрад", "Тарихи Бухоро", "Та-рихус-сиқот ваз-зуафо мин рувотил ҳадис" асарлари муаллифи. 71. Европада яшовчи халқлардан бири. 72. ... Дантес (А. Дюма). 76. Машҳур инглиз ҳикоянависи – Сомерсет ... . 77. Символ. 79. Ғалла. 80. Хурофот. 81. Франциялик машҳур физиклар сулоласи. 84. Ўта очкўз.

Тузувчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.
Тиражи 23789 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-56-10.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00